# 2010 йил – «Баркамол авлод йили»

VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

49-50 (58) 2009 йил 6 декабрь, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliyt@sarkor.uz



### «Конституция - фаровонлик омили»

Бош Қомусимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига 17 йил тўлди. У фуқароларнинг шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа ҳуқуқлари, эркинликларини олий қадрият сифатида ўзида мужассам этган бўлиб, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» дадил қадам ташлашимизнинг ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилмоқда.

12-бет ←



### Табиат ва қадриятлар уйғунлиги

Замонавий дунё боласини кўпинча компьютер ўйинлари оғушида тасаввур этамиз. Тўғри, у тўп тепиб юриши, вилосипедда сайр қилиши ёки бошқа машғулотлар билан ҳам банд бўлиши мумкин. Лекин миллий ўйинларимиз ҳам болаларнинг зеҳнини ўстириш, ҳам жисмонан тўғри ривожлантиришда катта аҳамиятга эга...

12-бет ←



### Факультатив — ихтиёрий дарс

"Факультатив" лотинча fakutas (fakultatis) сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида "йўл қўйиладиган", "мажбурий эмас", "танланадиган" маъноларни билдиради.

12-бет ←

## Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир

### Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Ҳурматли дўстлар!

Шу кунларда халқимиз давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида энг катта, алоҳида ўрин олган қутлуғ байрамлар қаторида мустақиллигимизнинг тамал тошини қўйган, эркин ва обод келажагимизнинг пойдеворини белгилаб берган Конституциямиз қабул қилинган кунни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонламоқда.

Шу муносабат билан сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни шу буюк айём билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Ҳақиқатан ҳам, биз бундан 17 йил олдин, яъни 1992 йил 8 декабрь куни моҳияти ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган, том маънода тарихий ҳужжатни – ҳаётимиз қомуси бўлмиш Конституциямизни қабул қилиш билан ўзини оқламаган эски тузумдан бутунлай воз кечиб, янги давлат, янги жамият қуриш йўли ва имкониятларини очдик.

Айнан ана шу кундан бошлаб юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Асосий қонунимиз мустаҳкам замин бўлиб келмоқда.

Бугун ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолар эканмиз, аввало Конституциямизнинг асосий принциплари ва қоидалари негизида қабул қилинган қонун ва дастурлар бўйича давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий қурилиш борасида босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларини қайд этишимиз табиий, албатта.

Мамлакатимиз эришган бундай улкан марраларнинг барчасини бутун дунё тан олаётганини кўриб, Асосий қонунимиз белгилаб берган мустақил тараққиёт йўли нақадар тўғри эканига такрор ва такрор ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Ҳаммамизга маълум, бу йил Конституциямиз байрамини нишонлаш алоҳида маъно-мазмун ва аҳамият касб этмоқда. Бунинг сабаби шундаки, шу йил 27 декабрь куни мамлакатимизда парламентга ва жойлардаги вакиллик органлари бўлган маҳаллий кенгашларга умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади.

Юртимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа бўлмиш ана шу сайловларни Конституциямиз ва сайловлар ҳақидаги тегишли қонунларимиз талабларига, халқаро андоза ва нормаларга тўлиқ риоя қилган ҳолда, муносиб тарзда ўтказиш мақсадида, мана, кейинги уч ой мобайнида Марказий сайлов комиссияси раҳбарлиги ва назоратида кенг кўламли ва катта ишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда айтиш кераки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда умумэътироф этилган стандартлар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди. Бу борада Конституциямиз ва сайлов қонунчилигимизга асосланган мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий замин яратилди.

Охирги йилларда, хусусан, мана шу йилнинг бошида Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизимига замон талаблари ва халқаро андозаларга мос бўлган, аввало, сайлов қонунларини янада либераллаштириш ва демократлаштириш мақсадларига қаратилган ўзгартириш ва янги нормаларнинг киритилгани эътиборга сазовордир.

Айниқса, сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ишончли вакиллари сонини кўпайтириш, сайлов жараёнида уларга қўшимча ҳуқуқ ва ваколатлар бериш, умуман, сайловчиларнинг ҳуқуқини кенгайтиришни кўзда тутадиган бу имкониятлар сайлов тизимини янада такомиллаштиришга катта ҳисса бўлиб қўшилади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Сайлов ҳақидаги қонунчиликка киритилган бир қанча ўзгаришлар қаторида бўлажак сайловларда фуқаролар иштирокининг кўламини кенгайтириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Ва шунинг ҳисобидан, аввало, атроф муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги тамойил жорий этилди. Яъни, мамлакат парламентидаги депутатлик ўринлари сонига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатлар учун 15 та ўрин ажратилди.

Энг муҳими, сайлов қонунчилигида Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш масаласига алоҳида аҳамият берилди.

Бизнинг қонунларимизда қайд этилганидек, сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнига ҳеч кимнинг, авваламбор, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашишга ҳаққи йўқ. Бундай ҳолатларга йўл қўйиш қонунда қатъиян ман қилинган ва бунга қўл урган шахсларга нисбатан чора кўриш, керак бўлса, уларни тегишли жавобгарликка тортиш ҳам белгилаб қўйилган.

Ана шу фикрларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда сайлов тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг барчаси, **авваламбор, сайловларни очиқлик, эркинлик ва ҳаққонийлик асосида ўтказишга қаратилганини қайд этиш лозим.**

**(Давоми 2-3-бетларда)**



## Бунёдкорлигимизнинг ҳуқуқий асоси

**"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.**

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда маъруза қилди.

Юртбошимиз амалга ошираётган изчил ислоҳотлар, бетимсол бунёдкорлик ишларимиз асосида, демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида эришаётган ютуқларимиз моҳиятида, онгу шууримиздаги ўзгаришлар, турмушимиздаги фаровонлик замирида Бош қомусимизнинг қоида ва талаблари мужассам эканини алоҳида таъкидлади.

Теран тарихий илдизларимизни, кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларимизни, улуғ аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини, халқимизнинг орзу ва интилишларини ўзининг ғоя ва нормаларига чуқур сингдирган Конституциямизнинг ҳаётий негизи ғоят мустаҳкамдир. Эришаётган юксак марраларимиз Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган принципларнинг нақадар тўғри эканини кўрсатиб турибди.

Ўтган давр мобайнида халқимизнинг азму шижоати, фидокорона меҳнати туфайли улкан ютуқлар қўлга киритилди. Буни мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг барқарор ўсиш суръатларида, аҳоли фаровонлигининг изчил ва мунтазам ошиб бораётганида, қишлоқ ва шаҳарларимиз янада обод бўлиб, янгича қиёфа касб этаётганида яққол кўриш мумкин.

Жаҳон ҳамжамиятида «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг чуқур ўйланган дастури ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирини бартараф этиш, унинг мувозанатли ривожланиш ва барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш имконини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,0 фоизни ташкил этгани, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ошмагани фикримизни тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг буюк яратувчилик ва бунёдкорлик салоҳияти, ижтимоий фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурида юз бераётган чуқур ўзгаришлар юртимиз ривожини таъминлашга, Ватанимиз обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлар экан, бу борадаги эзгу ишларимизни янада жадал суръатларда давом эттириш учун олдимизда турган муҳим масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Президентимиз ташаббуси билан 2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинган эди. Бу борада махсус Давлат дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Бундай улкан ишлар замирида юртдошларимиз, хусусан, қишлоқларда яшайдиган инсонлар турмуш фаровонлигини юксалтириш, қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизни янада яхшилаш сингари эзгу мақсадлар мужассамдир.

Қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини тубдан яхшилаш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси амалга оширилмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш бўйича олиб борилаётган улуғвор ишлар изчил давом этмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йилга муайян ном бериш хайрли анъанага айланган.

Шу анъанага мувофиқ Президентимиз Ислом Каримов кириб келаётган янги – 2010 йилни **«Баркамол авлод йили»** деб эълон қилишни таклиф этди. Юртбошимизнинг бу таклифи йиғилганлар томонидан гулдурос қарсаклар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти билан якунланди.

**(ЎзА)**

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

# Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бир сўз билан айтганда, шу юртда ғурур ва ифтихор билан яшаётган ҳар қайси инсон, ўйлайманки, навбатдаги сайлов барчамиз учун муҳим синов, таъбир жоиз бўлса, жиддий имтиҳон эканини яхши тушунади ва англайди.

Бўлғуси сайловларга айнан шу кўз билан қарайдиган бўлсак, бу имтиҳон биринчи навбатда қуйидаги мезон ва талаблардан иборат бўлишини ўзимизга тасаввур қилишимизни истардим:

**аввало,** бу жараён сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигининг ҳаётимиздаги тасдиғини синаш демакдир;

**иккинчидан,** бу жараён юртимизнинг сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиб бораётганини, ҳар қайси партия ўзига хос, ўзига мос мақсадлари ва ҳаракат дастури билан сайлов майдонига чиқиши ва сайловчиларнинг овози учун ўзаро кураш олиб боришини англатади;

**учинчидан,** қонун устунлиги ва унинг барчага тенглигининг намойиши бўлиб, сайловда қатнашаётган сиёсий партиялар ва ҳар қайси номзоднинг сиёсий қарашлари ва эътиқодидан қатъи назар, уларнинг ҳаммасига тенг имконият ва шароит туғдириб беришни билдиради;

**тўртинчидан,** мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг савияси ва етуклик даражасини кўрсатади;

ва ниҳоят, **бешинчидан,** бу сайловлар аҳолимизнинг сиёсий-ижтимоий савияси ва маданияти, фуқаролик онгини имтиҳондан ўтказади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бир ўйлаб кўрайлик, ана шундай мураккаб ва масъулиятли сиёсий синовдан ўтишга, бу сайлов жараёнларини ривожланган демократик давлатларда амал қилаётган сайлов тизими даражасида ўтказишга биз қанчалик тайёрмиз?

Нафақат сайловни ташкил этишга бевосита масъул бўлган Марказий сайлов комиссияси ва унинг жойлардаги тузилмалари, сиёсий партиялар фаоллари ва ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилигимиз, балки бугун овоз беришга тайёргарлик кўраётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир сайловчи бу саволни ўзига бериши албатта ўринли ва айни муддао бўлур эди.

Чунки, юқорида тилга олинган ва биз амалга оширишимиз зарур бўлган ўта муҳим омиллар демократик асосда ривожланиб бораётган ҳар қандай жамиятнинг етуклик даражасини акс эттиради.

Бу талабларга амал қилиш – бу шунчаки бир мақсад эмас, аввалambор эркин ва озод яшаш, ҳар томонлама фаровон ҳаёт қуриш дастурининг ўзагини ташкил қилиб, юксак тараққиётга эришишнинг ҳал қилувчи узвий қисми ва асосий йўли эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз тобора англаб бормоқдамиз.

Айтиш керакки, биз бу йўлни кимгадир кўз-кўз қилиш, кимнингдир олдида намойиш этиш учун танлаганимиз йўқ.

**Бу йўл қандай оғир ва мураккаб бўлмасин, такрор-такрор айтаман, бизнинг миллий манфаатларимизга, асрлар давомида интилиб келган орзу-ниятларимизга тўла жавоб берадиган тараққиёт йўлидир.**

Шу билан бирга, барчамиз яна бир ҳақиқатни чуқур тушунамиз – биз кўзлаган марраларга эришиш, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан ўзимиз истаган, тараққий топган давлатлар қаторига чиқиш учун ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп.

Бу борада энг асосий масала – амалга оширган ишларимизга танқидий баҳо бериш, манманликка берилмаслик, халқаро тажриба ва ўзгаларнинг ютуқларига беписанд қарамаслик, ҳаётимизда бу йўналишда ҳали-бери учрайдиган ғов ва тўсиқларни бартараф этишдан иборат. Бу ўткир ҳақиқатни аввало ўзимиз англашимиз ва амалий хулосалар чиқаришимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ғоят муҳим ўрин тутади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, олдимизда турган, мамлакатимиз ҳаётида, ҳақиқатан ҳам катта бир сиёсий воқеа бўлмиш сайловларни муносиб ўтказиш мақсадида баъзи бир долзарб масалаларга яна бир бор тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан.

**Биринчидан,** Конституциямиз ва шу асосда қабул қилинган, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайловлар ҳақидаги қонунларга, шу билан бирга, Марказий сайлов комиссияси ва унинг жойлардаги тузилмалари томонидан белгилаб берилган қоида ва нормаларга риоя қилиш, уларни сўзсиз бажариш барчамизнинг, ҳар қайси сайловчининг асосий бурчи бўлишини хоҳлардим.

Айниқса, баъзи бир сайловчиларимизга майда ёки ортиқча бўлиб туюладиган, умумэътироф этилган сайлов қоидаларига мос келмайдиган айрим ҳолатлар бўйича кузатувчилар томонидан – булар халқаро ташкилотлар ёки ўзимизнинг ижтимоий-нодавлат ташкилотлар вакиллари бўладими – билдириладиган эътирозларга ҳурмат билан қараш, уларнинг фикрларига эътибор бериш, қандай расмиятчилик бўлиб кўринмасин, бу талабларни албатта бажо келтиришимиз керак.

Энг муҳими, четдан туриб сайлов жараёнларига аралашиш, уларга таъсир ўтказишга уриниш каби ножўя ҳаракатлар бутунлай ман этилишини барча сайлов иштирокчилари, ким бўлишидан қатъи назар, чуқур англаб олишлари даркор.

**Иккинчидан,** яна бир бор айтиб ўтишга тўғри келади – қонун барчага тенг. Бинобарин, барча партиялар ва уларнинг номзодлари учун сайловолди жараёнларида, матбуот, телевидение орқали ва сайловчилар билан бўладиган мулоқот ва учрашувларда, улар олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларида тенг ва бир хил шароит туғдириб бериш, уларнинг ҳуқуқ ва интилишларига бир кўз билан қараш, ҳеч кимни ажратмаслик, айтиш керакки, айни шу масалалар сайловни юксак савияда ўтказишда энг катта ва муҳим ўрин тутади.

Бу масалалар учун масъул бўлган ташкилотлар томонидан ҳеч қандай истисно ёки кимгадир алоҳида эътибор бериш ҳолатларига асло йўл қўйилмаслиги шарт.

**Учинчидан,** аслида сайлов дегани – бу аввало ўз ҳуқуқини англаган ҳолда, эркин танлаш ва онгли овоз бериш демакдир.

Шу билан бирга, сайловда қатнашиш ҳар биримиздан нафақат Конституциямиз кафолатлаб берган овоз бериш ҳуқуқини бажо келтиришни, балки фуқаролик бурчимизни чуқур англаш ва бу масалага катта масъулият билан қарашни ҳам талаб қилади.

Нега деганда, ҳар бир фуқаро ўзи сайлайдиган номзод – у эртага маҳаллий кенгашларга ёки Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига аъзо бўладими – депутатлик мандатига эга бўлганидан сўнг унга билдирилган юксак ишончни оқлаш мақсадида мамлакатимиз, юртимиз равнақи учун, халқимизнинг ҳаёти янада обод ва фаровон бўлиши учун қандай ҳисса қўшишини ҳар қайси сайловчи ўзига аниқ тасаввур қилиши, яъни, овоз беришда адашмаслиги лозим.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бугун биз, ҳақиқатан ҳам, Ватанимизнинг эртанги кунини ҳал қиладиган, катта сиёсий жараён арафасида турибмиз.

Ўз олдимизга қўйган юксак мақсад-муддаоларимизга етишда, ҳеч шубҳасиз, алоҳида муҳим босқич бўладиган бу жараён юртимизда яшаётган барча-барча инсонларга бевосита дахлдор бўлиб, ҳеч ким ундан четда қолиши мумкин эмас.

Бугун мана шу залда ўтирган сиз, азизларнинг юзларингизга қараб, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни ўзимга тасаввур қилиб айтмоқчиман: биз навбатдаги сайловни муносиб даражада ўтказиб, халқаро майдонда ўзимизнинг сиёсий етуклигимизни яна бир бор намоён этишга албатта қодирмиз. Чунки бизнинг Ўзбекистонимиз, бизнинг жамиятимиз кечаги давлат, кечаги жамият эмас – таъбир жоиз бўлса, уларнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Энг муҳими, бугун одамларимизнинг дунёқараши, онгу шуури ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, ўз Ватанидан ғурур ва ифтихори, келажакка ишончи кундан-кунга тобора ошиб бораётганини **кўрмаслик, сезмаслик, англамаслик мумкин эмас.**

Ишончим комилки, кўпни кўрган, эл-юрт тақдирига масъулият билан ёндашадиган халқимиз бу сиёсий жараённинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканини чуқур англаган ҳолда, сайловда аввало фаол иштирок этади ва ўзининг, оиласининг эзгу орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимизнинг тараққиёти учун овоз беради.

Азиз дўстлар!

Маълумки, бундан бир йил муқаддам сизлар билан маслаҳатлашиб, 2009 йилга юртимизда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб ном берган эдик. Ва шу асосда мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб эътиборимиз марказида бўлиб келаётган устувор масала, яъни қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси, ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини ошириш мақсадида махсус давлат дастури қабул қилганимиздан ҳам хабарингиз бор.

“Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади” деган ғояни ўзида мужассам этган бу дастурнинг маъно-моҳияти, энг муҳим йўналишлари ва молиявий манбалари нафақат 2009 йил учун, балки ўрта ва узоқ муддатли истиқбол учун белгиланиб, унинг ижроси қатъий назоратга олинди.

Мен ушбу дастурнинг ўта кенг қамровли миқёсини инобатга олган ҳолда, фақатгина уни амалга ошириш йўлида қўйилган биринчи қадамлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, аввалambор, қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилганини қайд этиш лозим.

Қишлоқ ҳаётини обод этишда уларнинг қиёфасини ўзгартириш, бугун қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш, керак бўлса, уни шаҳар шароитига яқинлаштириш ғоят муҳим ўрин тутади, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан.

Шу мақсадда 2009 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқларимизнинг замонавий архитектура нуқтаи назаридан режалаштирилиши, қишлоқ жойларда уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилишини лойиҳалаштириш ва бунёд этиш тизимини такомиллаштириш, «Қишлоққурилишлойиҳа» институтини ташкил этиш бўйича қарорлари қабул қилинди.

Айтиш керакки, мазкур институт томонидан ҳозирга қадар 2 хонадан 5 хонагача бўлган замонавий уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Бу ишга республикамиздаги кўзга кўринган, юқори малакали мутахассислар жалб этилиб, якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши бўйича 22 та, ижтимоий объектлар бўйича эса 16 та намунавий лойиҳа тасдиқланиб, қурилишга тавсия қилинди.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ тайёргарлик ва қурилиш ишларини бажариш мақсадида ташкил этилган “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси бугунги кунда марказда ва жойларда фаолият олиб бормоқда.

Жорий йилнинг сентябрь ойида пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтган ва ҳозирги вақтда вилоят марказларида ўтказилаётган кўргазмаларда бу лойиҳалар кенг жамоатчилигимизга намойиш этилмоқда ва халқимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда.

Бу лойиҳаларни амалга ошириш учун катта миқдордаги зарур маблағларни жалб этиш мақсадида алоҳида қарор билан «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки ташкил этилиб, айни пайтда кўпчилик мижозлар унинг хизматидан фойдаланмоқда.

Шуни айтиш керакки, қишлоқ жойларда қурилиш ишларини олиб бориш учун жорий йилнинг ўзида мазкур банк орқали қарийб 60 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Келгуси йилда эса ана шу мақсадлар учун қўшимча равишда яна салкам 530 миллиард сўм маблағ йўналтириш кўзда тутилган бўлиб, бунинг 256 миллиард сўмдан зиёди давлат томонидан бериладиган маблағдир.

Бундай кенг кўламли ишларни бажариш учун ҳозирга қадар мамлакатимизда 670 та ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш ташкилоти тузилди ва улар юқори малака ва тажрибага эга бўлган мутахассис кадрлар билан таъминланди.

Ана шундай ҳар томонлама пухта ўйланган режа асосида жорий йилнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 42 та ер массиви ажратилиб, қишлоқ ҳудудларида эксперимент тариқасида 840 та якка тартибдаги уй-жой барпо этилмоқда ва уларни 2010 йилнинг март-апрель ойларида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бу уйлар аввало ишлаб чиқилган намунавий лойиҳаларни амалда синаш, эртага шу уйларда яшайдиган одамларнинг таклиф ва истакларини ҳар томонлама ўрганиш ва бажо келтириш учун тегишли хулосалар чиқариш имконини беради.

Бу қурилишларда ана шу уй-жойларнинг бўлғуси эгалари ҳам ўз маблағлари билан иштирок этмоқда. Энг муҳим жиҳати шундаки, қурилиш сарф-харажатларининг аксарият қисми аҳолига “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан бериладиган узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қопланади.

Айни шу ҳолат, яъни, бу уйлар учун сарфланган маблағни бирданига эмас, балки 15 йил давомида аста-секин, босқичма-босқич тўлаш тартиби халқимизга катта имтиёз ва енгилликлар беради.

Бу борадаги ишларимиз 2010 йилда янада кенг кўламда давом эттирилиб, мамлакатимизнинг 159 та, яъни барча қишлоқ туманларида 7 минг 630 та янги уй-жой барпо этилади. Насиб этса, уларни келгуси йилнинг август-сентябрь ойларида ўз эгаларига топширамиз, албатта.

Алоҳида диққатга сазовор томони шундаки, бу борадаги режаларимизда нафақат шинам ва обод уйлар қуриш, айни пайтда болалар боғчалари, умумтаълим ва мусиқа мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, маиший хизмат объектлари, равон йўллар, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳлининг ҳар томонлама муносиб ва қулай ҳаёт кечириши учун зарур барча шароитларни ўз ичига оладиган замонавий турар-жой мавзеларини комплекс барпо этиш аниқ белгилаб берилган.

Ўтган давр мобайнида бу йўналишда энг муҳим масалалардан бири бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича ҳам анча ишлар қилинди.

Бу ҳақда гапирганда, аввало қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 31 та ишлаб чиқариш қуввати, жумладан, 2 миллион квадрат метр замонавий том ёпиш материаллари ишлаб чиқарадиган 6 та корхона, шунингдек, гипс, алебастр, гипсокартон каби қурилиш ва пардозлаш материаллари, йиғма конструкциялар тайёрлайдиган янги корхоналар фойдаланишга топширилганини қайд этиш лозим. Шулар қаторида йилига 81 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 12 та янги завод ишга туширилди.

Таъкидлаш керакки, янгитдан барпо этилган бу корхоналарда тайёрланадиган қурилиш материаллари, хусусан, ғишт нархини пасайтириш мақсадида уларга ҳар томонлама имтиёз ва шароитлар туғдириб берилмоқда.

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ҳақида сўз борганда, бу соҳада энг долзарб масалалардан бири бўлмиш қишлоқ жойларда янги йўллар қуриш ва мавжудларини кенгайтириш учун қарийб 100 миллиард сўм маблағ сарфланганини, транспорт қатновини яхшилаш мақсадида кўплаб янги йўналишлар очилиб, улар Самарқандда ишлаб чиқарилган замонавий автобуслар билан таъминланганини айтиш лозим.

Айни пайтда қишлоқларимизни энергетика ресурслари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлаш учун йил давомида 16 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳисобидан узунлиги 2 минг 700 километрдан зиёд электр тармоқлари, 300 километрдан кўпроқ табиий газ қувурлари реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди.

Азиз дўстлар!

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини юксалтириш, юртимизни обод этиш йўлида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг самарасини янада ошириш мақсадида қилинаётган ишлардан, ўйлайманки, барчангиз хабардорсиз.

Бу ҳақда гапирганда, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” дастури доирасида ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ер унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилгани хусусида тўхталишимиз табиий, албатта.

Шулар қаторида 81 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 10 минг километрдан ортиқ зовурлар, салкам 1000 километрлик дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди, кўплаб сув иншоотлари реконструкция қилинди, 50 километр узунликдаги янги каналлар ва бошқа объектлар қурилиши якунига етказилди.

Бу рақамлар ортида қандай ўта оғир ва машаққатли меҳнат ётгани, уларнинг замирида юз минглаб деҳқон ва механизаторларимизнинг фидокорона хизмати борлигини, энг муҳими, ана шундай меҳнатлар эвазига ҳосилимизга қўшимча яна қанча ҳосил қўшилаётганини инобатга оладиган, буларнинг барчасини ўзимизга тасаввур этадиган бўлсак, такрор айтаман, бундай ғоят оғир ишни бажарган меҳнатчиларимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Шуни миннатдорлик билан таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ушбу йўналишдаги улкан лойиҳаларни амалга оширишда Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея ва бир қатор араб мамлакатларининг молия институтлари томонидан ажратилган сармоялар катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Йил давомида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритганда, қишлоқ жойларда тобора ривожланиб бораётган хизмат кўрсатиш шохобчалари ва муассасаларининг фаолияти, сервис хизмати хусусида кенгроқ тўхталиб ўтмоқчиман.

Маълумки, ҳозирги вақтда қишлоқларимизда анъанавий маиший хизматлар билан бир қаторда замонавий телекоммуникация тизимлари, хусусан, интернет, уяли алоқа, яъни мобиль телефон алоқаси, компьютерда турли хизматлар кўрсатишни ўз ичига оладиган янги сервис шохобчалари жадал ривожланмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ жойларда уяли алоқа хизмати абонентлари сони 5 миллионга етгани, бу эса мамлакатимиз бўйича умумий кўрсаткичнинг 30 фоизини ташкил этаётгани ва ушбу рақам тез суръатлар билан ўсиб бораётгани ҳам шундан далолат беради.

Шу билан бирга, қишлоқ ҳудудларида янги технологиялар асосида коммунал хизматлар учун экспресс тўловларни қабул қиладиган 3 мингта шохобча ташкил этилди.

Айниқса, жорий йилда 4 минг 200 та қишлоқ мактаби, такрор айтаман, фақатгина қишлоқда жойлашган мактаблар интернет тармоғига улангани бу соҳада амалга оширган жиддий ишларимиз қаторига киради.

Азиз дўстлар, ўзимиз бир ўйлаб кўрайлик, ҳозирги кунда айнан мана шундай коммуникация хизматларидан фойдаланиб, энг олис қишлоқда яшаётган одамлар ҳам – у фермер ёки тадбиркор бўладими, ҳунарманд ёки ўқитувчи бўладими – дунёнинг исталган чеккаси билан боғланиш, мулоқот қилиш, турли хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўлишини бундан беш-олти йил олдин фараз қилиш мумкинмиди?

Энг асосийси, бундай хизмат турлари аҳоли эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, айни пайтда қишлоқ жойлардаги лицей ва коллежларни битирган минглаб фарзандларимизни иш билан таъминлаш, уларнинг мана шундай замонавий касб эгаси бўлишига имкон яратаётгани, ўзингиз айтинг, бугун униб-ўсиб, ҳаётга кираётган ёшларимизнинг келажагини, истиқболини белгилаб бермайдими?

Биргина жорий йилнинг ўзида фақат қишлоқ жойларда 460 мингта, жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобидан қарийб 380 мингта янги иш ўрни очилиб, уларда асосан ана шундай ўғил-қизларимиз фаолият кўрсатаётгани барчамизни қувонтиради, албатта.

Қишлоқда турмуш маданияти ва сифатини ошириш ҳақида гапирганда, энг ўткир ва долзарб яна бир масаланинг ечими тўғрисида доимо ўйлашимиз табиийдир. У ҳам бўлса, биз учун бебаҳо бойлик бўлган инсон саломатлигини асраш, оналик ва болалик муҳофазаси, соғлом авлод тарбияси, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш билан боғлиқ бўлиб, бу борада ҳам анча ишлар қилинди.

Мисол тариқасида барча қишлоқ туманларининг марказий шифохоналари умумий қиймати 12 миллион доллар бўлган тиббий анжомлар, 44 та “Уаз” санитария машинаси, 280 та «Дамас-амбуланс» тез ёрдам машинаси билан таъминлангани, қишлоқ врачлик пунктларига 1 миллион доллар миқдорида тиббий лаборатория анжомлари етказиб берилганини айтиш ўринли бўлади.

Энг муҳими, йил давомида 3 миллион 750 минг нафар қишлоқ аҳолиси малакали тиббий кўрикдан, 22 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёл махсус скрининг текширувидан ўтказилгани, 400 минг нафар бемор шифохоналарда даволаниб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаганини қайд этиш керак.

Қадрли дўстлар!

Ижозатингиз билан, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастуридан ўрин олган яна бир устувор йўналиш ҳақида атрофлича тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан.

(Давоми 3-бетда)

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ МУҚАДДАС МАҚСАД

# Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

**(Давоми. Боши 1-2-бетларда)**

Бугунги кунда ҳаётимизда том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган, дунё жамоатчилиги ҳақли равишда эътироф этаётган таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларимиз қандай катта натижалар бераётгани ҳақида ҳар қанча фахрланиб, ғурурланиб гапирсак арзийди, албатта.

Ҳақиқатан ҳам, бундан 12 йил олдин бошланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади.

Бу дастурлар доирасида юртимизда минг-минглаб лицей ва коллежлар, мактаблар қуриш ва уларни реконструкция қилиш, энг юксак талаблар асосида жиҳозлашдек кенг кўламли вазифани қўйганимизда, бу ишларнинг қандай улкан, айтиш мумкинки, беқиёс мақсадларни кўзда тутишини камдан-кам одам ўзига тасаввур қиларди.

Бугун мамнуният билан таъкидлаш керакки, биз қандай қийин ва оғир бўлмасин, бу дастурларни қатъият билан амалга ошириб, бундай билим масканларини нафақат шаҳарларимизда, балки олис қишлоқ ва овулларимизда ҳам ягона намунавий лойиҳа ва мезонлар асосида бунёд этишга эришдик.

Бунинг натижасида барча ёшларимиз қатори қишлоқ болаларининг замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга бўлиши, энг муҳими, уларнинг мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига кириб таълим олишига муносиб шароит туғдириб бериш учун ана шу иккита дастур қандай мустаҳкам замин яратганини бугун вақт ўтиб, барчамиз тушуниб етмоқдамиз.

**Ўтган давр мобайнида ана шу лицей ва коллежларни 1 миллион 446 мингдан зиёд фарзандларимиз, жумладан, 1 миллион 55 минг нафардан ортиқ қишлоқ ёшлари битириб, бугунги кунда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, бошқарув ва ижтимоий соҳаларда, барча жабҳаларда меҳнат қилаётгани бизнинг шу йўлда эришган энг катта ютуғимиз бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.**

Бир ўйлаб кўрайлик, бундан ўн-ўн беш йил олдин мактабларимиз, умуман, таълим муассасаларимиз қай аҳволда эди?

Ўша пайтда уларнинг бугунгидек энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозланишини, спорт инфратузилмасига эга бўлиши, мактаб ҳаётига интернет тизими кенг кириб боришини ким фараз қила олар эди?

Айниқса, биргина жорий йилнинг ўзида шу борадаги ишларимиз янги босқичга кўтарилиб, **юртимиз бўйича жами 1 минг 957 та мактаб қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, уларнинг 1 минг 622 таси айнан қишлоқ жойларда экани диққатга сазовордир. Шулар қаторида 2009 йилда барпо этилган 214 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг 170 таси қишлоқ туманларимизда бунёд этилгани ва реконструкция қилинганини таъкидлаш лозим.**

Айнан қишлоқ жойлардаги ана шу билим даргоҳларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш учун жами 895 миллиард сўм маблағ сарфлангани, айтиш керакки, мамлакатимиз тарихида илгари ҳеч қачон кўрилмаган ҳодисадир.

Муҳтарам дўстлар, мен жойларда бўлиб, одамлар билан, фермер ва деҳқонлар билан учрашганимда, қишлоқ ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида, пахта, ғалла ҳақида гаплашамиз, булар албатта керак. Лекин, эътибор берган бўлсангиз, бундай мулоқотларда ёшу қари ўз қишлоғи ёки туманида қурилаётган мактаб, лицей ва коллежлар қишлоқ ҳаётини тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида тўхталиб, гапни аввалambор шундан бошлайди.

Мен юртдошларимизнинг бундай тўлқинланиб, қувониб гапиришини табиий деб ўйлайман. Чунки халқимизнинг қонида, табиатида бўлган эзгу фазилатга кўра одамларимиз кўпроқ ўзини эмас, балки фарзандларини, уларнинг келажагини, бахту саодатини ўйлаб яшайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз танлаган тараққиёт йўлининг таркибий қисмига, аниқроқ айтадиган бўлсак, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланиб бораётган **таълим соҳасидаги буюк дастурларимизни ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиққанимиз ва амалга оширганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоён этмоқда.**

Шулар ҳақида гапирар эканмиз, жорий йилда ўзининг амалий йўлини бошлаган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастури ҳам теран маъно-мазмуни ва мақсадларига кўра юқорида тилга олинган дастурлар билан чамбарчас ва узвий боғланиб кетганини таъкидлаш лозим.

Энг муҳими, бу дастурлар бир-бирини тўлдириб, бир-бирига замин туғдириб бераётган, бир-бирининг мантиқий давоми бўлиб, давлатимиз ва жамиятимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшаётган ҳужжатлар, десак, янглишмаган бўламиз.

Шу маънода, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастури ўз кўлами, аҳамияти ва моҳияти билан бугунги кунимиз ва эртанги келажагимизнинг нафақат моддий томонларини, айни пайтда, маданий ва маънавий савиямизни ошириш, мухтасар айтганда, бутун ҳаётимизни юксалтиришга қаратилган бўлиб, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тарихида муносиб ўрин эгаллаши муқаррар.

Бунинг тасдиғи ва исботи сифатида – шунга алоҳида эътибор бериш зарур – фақатгина шу йилнинг ўзида бу дастурни амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 2 триллион 612 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланганининг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсадан далолат беради.

Ишонаманки, кириб келаётган 2010 йилда бу мақсадларга сарфланадиган маблағлар ўтган йилга нисбатан кам бўлмайди, иншоолло.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мана шундай улуғ, қиёси ва ўлчови бўлмаган олижаноб ишларга ўз ҳиссасини қўшаётган юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотларга, фермерлик ва тадбиркорлик субъектларига, хорижий давлатлар ва жамғармалар, халқаро тузилмаларга, мана шу залда ўтирган чет мамлакатларнинг элчи ва вакилларига, шу йўлда холис хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз.

Қадрли ватандошлар!

Энди, сиз, азизлар билан кириб келаётган янги 2010 йил ҳақида, унга қандай ном бериш, бошқача айтганда, эл-юртимизнинг эзгу интилишларига жавоб берадиган устувор мақсадлар хусусида фикр алмашиб, уларни ўзимиз учун аниқ белгилаб олсак, айни муддао бўларди.

Шу ҳақда ўйлаганда, биз биринчи навбатда давлатимиз ва жамиятимиз тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлган, кенг қамровли мақсадларни амалга оширишда ҳал қилувчи ўрин тутадиган режа ва вазифаларни ҳисобга олишимиз зарур.

Янги йилга олдимизда турган энг долзарб мақсадларни кўзлаб ном беришнинг яна бир боиси шундан иборатки, шу тариқа биз юртимиздаги барча давлат ва нодавлат ташкилотлар, хўжалик ва корхоналар, тижорат тузилмаларининг куч ва имкониятларини қўйилган вазифани бажариш йўлида сафарбар этишни назарда тутамиз.

Ўйлайманки, агар бу масаланинг туб моҳиятини, халқимизнинг орзу-ниятларига ҳамоҳанг бўлган аҳамиятини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, унинг нақадар муҳим ва шу билан бирга, нақадар мураккаб экани аён бўлади.

Бу масала устида жуда кўп ўйлаб, фикрлашиб, кўпчиликнинг таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб, мен кириб келаётган 2010 йилга юртимизда **"Баркамол авлод йили" деб ном беришни таклиф этмоқчиман**.

Янги йилга айнан шундай ном беришнинг сабабларини исботлаб бериш, ўйлайманки, қийин эмас.

Аввало, биз, яъни халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсон ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган бўлмайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида нима туради?

Бу саволга ҳаммамиз, табиийки, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради, деб жавоб берамиз.

Ҳақиқатан ҳам, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни шунда эмасми?

Айнан мана шундай ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиш, биз кўзлаган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шарти эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз, албатта.

Келинглар, шу масала устида атрофлича бир фикр юритиб кўрайлик.

Агар биз ўз вақтида узоқни кўзлаб эртага ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг чуқур билим ва касб-ҳунар эгаллаши учун замин яратмасак, уларни замон талаб қиладиган мутахассис кадрлар этиб тайёрламасак, бугунги кунда бутун дунёни қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз даврида юртимизда тинчликни сақлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга, айни шундай оғир шароитда халқимиз ҳаётининг тобора юксалишига эриша олармидик?

Йўқ, албатта.

Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак – биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва **юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.**

Шунинг учун ҳам бу ўта муҳим масалани доимо давлатимиз, жамиятимизнинг асосий вазифаси сифатида кўришимиз даркор.

Албатта, ўтган йиллар тажрибасини инобатга олган ҳолда, биз 2010 йилга "Баркамол авлод йили" деб ном беришимиз муносабати билан махсус давлат дастурини тайёрлашимиз ва унинг ижросини таъминлашимиз зарур.

Бу дастурни ишлаб чиқишда манфаатдор идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли мутахассислар, қисқача айтганда, кенг жамоатчилигимиз жалб қилиниши табиий, албатта.

Мен, шу фурсатдан фойдаланиб, бу дастур ўзига қамраб оладиган йўналишлар, амалга оширилиши зарур бўлган асосий чора-тадбирлар қаторида энг муҳим масалалар ва вазифалар ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан.

Энг аввало, бу борада мавжуд ҳуқуқий ва юридик базани танқидий кўз билан қараб, уларга бугун замон талаб қиладиган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, керак бўлса, олдимизга қўйган мақсадларга жавоб берадиган янги ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ва Олий Мажлисимиз томонидан қабул қилиш катта аҳамиятга эга.

Табиийки, соғлом авлод деганда, барчамиз биринчи навбатда соғлом наслни тушунамиз. Шу борада ўтган йиллар давомида "Соғлом она – соғлом бола" ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди. Хусусан, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғруқхоналар барпо этиш, бир сўз билан айтганда, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялаш мақсадида марказда ва жойларда анча ишлар қилинганидан барчамиз хабардормиз.

Бу ишларни эътироф этган ҳолда, турли хил сабаблар туфайли инсон соғлигига салбий таъсир кўрсатадиган хавф-хатарларнинг олдини олиш, медицина хизматининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, шу соҳага посбон бўлган шифокорларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича бугун олдимизда янги-янги вазифалар пайдо бўлаётганини ҳам биз ўзимизга яхши тасаввур этамиз.

Ана шундай кенг қамровли вазифаларни ҳисобга олиб, биз 2010 йилда давлат бюджетида соғлиқни сақлаш соҳасидаги харажатларимизни 1 триллион 700 миллиард сўм атрофида белгилаб, яъни, бу йилга нисбатан 30 фоизга кўпайтиришни кўзда тутмоқдамиз.

Ўрни келганда айтиш керакки, янги 2010 йилда давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи мамлакатимизда фақат таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилади.

Баркамол авлод ҳақида сўз борганда, ўтган йиллар давомида катта куч ва маблағ ҳисобидан таълим соҳасида барпо этилган моддий-техник базадан оқилона ва самарали фойдаланиш масаласи қанчалик муҳим экани барчамизга аён бўлиши керак, деб ўйлайман.

Шулар қаторида давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш, олий ва ўрта махсус таълим тизимида таълим йўналишлари ва мутахассисликларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарур.

Шунингдек, ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор.

Такрор айтишга тўғри келади – таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларига, балки ҳар қайси оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин туғдиришнинг аҳамиятини чуқур англаб олишимиз лозим.

Қабул қилинадиган дастурда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошлаган катта ишларимизни ҳеч сусайтирмасдан давом эттириш, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар қайси шаҳар ва қишлоқда давр талабига жавоб берадиган спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлаш масалалари кенг ўрин олиши керак.

Айни пайтда касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларимиз эгаллаётган энг замонавий билим ва кўникмаларни амалда жорий этиши учун **уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш масаласига принципиал аҳамият берилиши ва бу вазифа дастурда ўзининг муносиб ўрнини топиши даркор.**

Бу борада шуни эътиборга олишимиз керакки, ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги ижтимоий фаол аҳолининг 70 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида банд. Шундай экан, бу соҳани янада ривожлантирмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келгуси тараққиётини ўзимизга тасаввур қила олмаймиз.

Нега деганда, меҳнат фаолиятининг айнан шу йўналиши бугунги кунда аҳолимизнинг катта қисми учун нафақат асосий даромад манбаи, балки дунёнинг барча **ривожланган давлатларида бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам шаклланиб келаётган ўрта синф бўлмиш мулкдорлар синфининг муҳим таркибий қисми, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг таянчи ва суянчи ҳисобланади.**

Шундай ўта муҳим омилларни инобатга олган ҳолда, қабул қилинадиган дастурда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси олдида ҳалибери мавжуд бўлган муаммоларни ечиш, бу йўлдаги тўсиқларни бартараф этиш, барча ҳудуд ва минтақаларда, аввало, қишлоқ жойларда бу соҳага ёшларни жалб этиш учун етарли шароит ва имтиёзлар яратиб бериш масаласи катта ўрин эгаллаши зарурлигини ҳаммамиз, биринчи навбатда маҳаллий раҳбарлар яхши англаб олишимиз даркор.

Олдимизда турган яна бир муҳим масалага диққатингизни қаратишни лозим деб биламан. Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугунги кунда тараққиёт ҳақида сўз борганда, илм-фаннинг ўрни ва аҳамияти ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, албатта.

Биз мамлакатимизнинг келажагини кўзда тутган ҳолда, бугунги кунда тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантириш мақсадида Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари таркибида янги лабораторияларни ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқалари ўрнатишига эришишимиз керак.

Бу масалани ҳозирги вақтда олдимизда турган долзарб вазифалардан бири сифатида кўришни бугун замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Бу йўналишдаги ишларга янги туртки бериш, хорижий давлатлардан замонавий илмий жиҳоз ва ускуналарни олиб келиш, энг иқтидорли, талантли ёшларимизни бу ишга сафарбар қилиш ва рағбатлантириш мақсадида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси қошида **алоҳида фонд тузиш ва уни етарли даражада валюта маблағлари билан таъминлаш эзгу орзу-ниятларимизга жавоб берадиган бир иш бўлур эди.**

Ўйлайманки, бу фикрни мана шу залда ўтирганлар қўллаб-қувватлайди.

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда жамиятимизнинг энг муҳим, мен айтган бўлардимки, ҳал қилувчи бўғини бўлмиш оилага алоҳида эътибор бериш ва уни ҳар томонлама асраб-авайлаш тадбирларини бўлажак дастурнинг узвий қисми сифатида кўришимиз зарур.

Халқимизда "Қуш ўз уясида кўрганини қилади", деган ибора бежиз айтилмаган, бунда чуқур маъно-мазмун бор.

Ўғил-қизларимизни эл-юртимизга муносиб фарзанд, эртага Ватанимизнинг ҳақиқий фуқароси бўладиган инсонлар этиб тарбиялаш аввало оила бағрида, оиланинг соғлом иқлими, ота-онанинг бир-бирига меҳри ва ҳурмати шароитида чуқур илдиз отишини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаймиз.

Бундан хулоса шуки, **соғлом ва мустаҳкам оила, биринчи навбатда, янги қурилаётган ёш оилалар масаласини давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллаларимизнинг доимий эътиборида турадиган устувор вазифа деб билишимиз даркор.**

Маълумки, бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир.

Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, "оммавий маданият" ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор. Бу масалалар дастурда албатта ўз ифодасини топиши зарур.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, **биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср**.

Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар.

Буни чуқур англаб олган давлат, бундай хулосани чиқарган, халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, **бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади.**

Бугун бизнинг демократик давлат, фуқаролик жамияти, замонавий иқтисодиёт тизимини барпо этиш, дунёда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида эришаётган ютуқларимизни ва барқарор натижаларимизни жаҳон жамоатчилиги тан олаётган экан, бунинг боиси нимада, деган табиий савол туғилади.

**Бунинг боиси** – аввало, эл-юртимизнинг қандай бой тарих ва маданий-маънавий меросга эга эканида, унинг интеллектуал салоҳияти ва илдизлари нақадар чуқур эканида, халқимизнинг ўз олдига қўйган юксак мақсадларга эришиш йўлида қандай буюк ишларга қодир эканидадир.

**Бунинг боиси** – биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва эзгу мақсад-муддаомиз бўлмиш эркин, озод ва обод ҳаёт бунёд этишда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, иншоолло.

Шу юксак минбардан туриб, мана шу муҳташам залда ўтирган сиз, азизларга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга яна бир бор чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни, энг эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Фермерларга кўмакчи



**Алишер Бекмуродович Хўжамов**

- Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам уй-жой қурилишига бўлган эътибор кучайди, - дейди Алишер Хўжамов. У 1968 йилда Навоий вилоятининг Нурота туманида туғилган. 1992 йилда Тошкент Давлат аграр университетини, 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини, 2006 йилда Самарқанд Қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган. Ихтисоси — агроном, иқтисодчи. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси.

У меҳнат фаолиятини 1992 йилда Навоий вилояти "Ўзсельхозхимия" ишлаб чиқариш бирлашмаси таъминот бўлими мутахассиси сифатида бошлаган.

1997-2001 йилларда Навоий вилояти "Агрокимётаъминот" давлат акциядорлик жамияти бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари, 2001-2004 йилларда "Навоийқишлоқхўжаликкимё" акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси ўринбосари, 2004-2009 йилларда Навоий вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари лавозимларида фаолият юритиб келган.

2009 йилдан буён Республика Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази директор ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

А.Хўжамов билимдонлиги, талабчанлиги ва ишчанлиги билан жамоа ўртасида юксак обрўга эга. Минерал ўғитларни фермер хўжаликларига етарли миқдорда ва ўз вақтида етказиб берилиши, қишлоқ хўжалик экинларини турли касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш ишларига доимо бош-қош бўлиб келган.

Алишер Хўжамов вилоят қишлоқ хўжалик корхоналарини минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар билан таъминлашни яхшилаш, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларини хўжаликларга етказиб бериш ва улардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш бўйича мутасадди ташкилотлар билан биргаликда тегишли чора-тадбирлар кўриб келмоқда.

А.Хўжамов ўз ишининг билимдони сифатида "Ўзкимёсаноат" давлат акционерлик компанияси ва вилоят миқёсида кенг жамоатчиликнинг ҳурматини қозонган. Самарали меҳнати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун "Ўзкимёсаноат" давлат акционерлик компанияси ва Навоий вилояти ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Алишер Бекмуродович Хўжамов Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг вилоят кенгаши фаолларидан ҳисобланади, партиянинг мақсад ва вазифаларини чуқур билган ҳолда уларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Алишер Бекмуродович Хўжамов 37-Хатирчи сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ёшлар устози



**Мархаматжон Сиддихоновна Ахмадалиева**

Инсон олдига қўйган мақсади халқ манфаатлари билан муштарак бўлиши лозим. Мархаматжон Ахмадалиева бунинг учун фарзандларимиз тарбиясига эътиборли бўлишимиз керак, деб билади. У 1952 йилда Наманган вилоятининг Косонсой туманида туғилган. 1976 йилда Самарқанд Давлат университетини тугатган. Ихтисоси — тожик тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

М.Ахмадалиева меҳнат фаолиятини 1976 йилда Косонсой туманидаги 43-ўрта умумтаълим мактабида тожик тили ва адабиёти фани ўқитувчилигидан бошлаган.

Узоқ йиллик тажрибаси натижаси ўлароқ мазкур мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, тумандаги Ш.Рашидов номли хўжалик раиси муовини, айни пайтда 43-ўрта умумтаълим мактаби директори лавозимида ишлаб келмоқда.

М.Ахмадалиева фаолияти давомида ташкилотчилиги, янгиликка интилиши, илм йўлидаги фидойилиги, таълимнинг ривожланиши йўлидаги изланувчанлиги билан жамоанинг ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда. Ўқитувчилар ва ўқувчилар орасида қаттиққўл раҳбар, шу билан бирга атрофдагиларга доим ғамхўр ва эътиборли ҳамдир.

М.Ахмадалиева ўз олдига қўйган барча мақсадларини рўёбга чиқара оладиган, оилани иш фаолияти билан бир пайтнинг ўзида муваффақиятли бошқара оладиган оқила аёл, меҳрибон она ва ташкилотчи раҳбар.

Мархаматжон Сиддихоновна Ахмадалиева Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг вилоят кенгаши фаолларидан ҳисобланади. Партиянинг мақсад ва ғояларини тарғибот этилишининг таъсирчан усулларини ўйлаб топиш ва амалга оширишдаги ташаббускорлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Мархаматжон Сиддихоновна Ахмадалиева 40-Сардоба сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ҳам журналист, ҳам тарғиботчи



**Шуҳрат Бегмирзаевич Деҳқонов**

Ўз ижоди орқали оммани ҳушёрликка, маърифатга, диёнатга чорлаб келаётган Шуҳрат Бегмирзаевич Деҳқонов 1971 йилда Наманган вилоятининг Наманган туманида туғилган. 1993 йилда Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Ихтисоси — журналист, ҳуқуқшунос ва халқаро муносабатлар магистри. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

У илк меҳнат фаолиятини 1993 йили Наманган вилояти телерадиокомпаниясида муҳаррирликдан бошлаб, катта муҳаррир, 1995-2000 йилларда телерадиокомпания бўлим мудири, бош муҳаррир ва раиси лавозимларида фаолият юритди. 2000 йилдан Наманган вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг "Диёнат" бирлашган таҳририяти бош муҳаррири лавозимида ишлаб келмоқда. Шу давр мобайнида 2008 йилда Наманган Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини, 2009 йилда Ўзбекистон Репсубликаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг халқаро муносабатлар факультетини тамомлаган.

2004 йилдан, яъни халқ депутатлари Наманган вилояти кенгаши депутатлик давридан бошлаб асосий эътиборини ўз сайловчилари билан ишлаш жараёнига қаратиб, округ сайловчилари билан мунтазам учрашувлар ўтказиб, уларнинг мурожаатларини тинглаб, қўйилган масала ва муаммолар юзасидан тегишли идораларга мурожаат этмоқда ва уларнинг ижобий ҳал этилишига эришмоқда.

Ш.Деҳқонов дунёқараши кенг, меҳнатсеварлиги ва ишга нисбатан масъулиятлилиги туфайли ҳамкасблари орасида катта ҳурматга эга. Ўзига нисбатан талабчан бўлиб, тинимсиз изланади.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Шуҳрат Бегмирзаевич Деҳқонов 41-Тошбулоқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Қонун ҳимоясида



**Алимжан Рахимович Акилов**

Алимжан Акилов 1958 йилда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида туғилган. 1982 йили Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини, 1996 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясини тамомлаган. Ихтисоси — ҳуқуқшунос. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси.

А.Акилов меҳнат фаолиятини 1985 йилда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман прокурорининг ёрдамчиси вазифасидан бошлаган.

1997-1998 йилларда Тошкент шаҳар прокуратураси Ички ишлар идораларида терговва суриштирув устидан назорат қилиш бўлими прокурори, 1988-1992 йилларда Тошкент вилояти прокуратураси тергов қисми бошлиғининг ўринбосари, 1992-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг бўлим бошлиғи, 1996-2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Аппаратининг масъул ходими, 2000-2007 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари қонунчилик муаммоларини тадқиқ этиш бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаган.

2008 йилдан Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультетининг "Конституциявий ҳуқуқ" кафедраси доценти лавозимида ишлаб, бор билим ва маҳоратини амалиётга татбиқ этиб, талаба-ёшларга устозлик қилиб келмоқда. У 1991 йили юридик фанлари номзоди, 2002 йили юридик фанлари доктори диссертациясини ҳимоя қилган. Иккала диссертацияси ҳам Ўзбекистон учун янги илмий-амалий йўналиш ҳисобланган қиёсий қонуншунослик, яъни қонунларни тайёрлаш, қабул қилиш, жорий қилиш ва ижроси устидан мониторинг ўтказиш бўйича жаҳон ҳамжамиятига, айниқса ривожланган демократик мамлакатлар томонидан орттирилган амалиёт ва тажрибани, бу масаладаги илмий назария, доктрина ва қарашларни умумлаштирувчи ва ўрганувчи ҳуқуқ фанига бағишланган.

А.Акилов меҳнат фаолияти давомида "Қиёсий конституциявий ҳуқуқ", "Конституциявий тизим асослари", "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси", "Давлат хизмати", "Конституциявий одил судлов", "Сайлов тизими ва жараёни" каби ўқув фанлари бўйича тадбирлар (маъруза, тренинг, семинар машғулоти)ни ўтказиб келмоқда.

А.Акилов дунёқараши кенглиги, меҳнатсеварлиги ва ишга нисбатан масъулиятлилиги туфайли ҳамкасблари орасида катта ҳурматга эга.

Алимжан Рахимович Акилов Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг вилоят кенгаши фаолларидан ҳисобланади. Партиянинг мақсад ва вазифаларини чуқур билган ҳолда уларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Алимжан Рахимович Акилов 38-Нурота сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Партия фаоли



**Муҳаммадаюбхўжа Пўлатович Апақов**

Ҳар бир иш пухта ва сидқидилдан бажарилса, унда унум бўлади, дея фикр юритадиган Муҳаммадаюбхўжа Пўлатович Апақов 1968 йилда Наманган вилоятининг Чортоқ туманида туғилган. 1994 йилда Тошкент Молия институтини, 2004 йилда Наманган Давлат университетини тугатган. Ихтисоси — иқтисодчи, ҳуқуқшунос. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси.

У илк иш фаолиятини 1985 йилда Наманган вилоят қишлоқ ва сув хўжалига бошқармаси тизимидаги ўрмон хўжалигига қарашли "Занг" участкаси ишчиси ва техник вазифасидан бошлаган.

1994-2000 йилларда Косонсой туман Давлат солиқ инспекцияси савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарини назорат қилиш бўлими назоратчиси, катта назоратчи, бўлим бошлиғи, солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Наманган вилоят бошқармаси тезкор вакили, 2001 йилда Тўрақўрғон туман давлат солиқ инспекцияси юридик шахсларнинг тўловларини бюджетга тушумини назорат ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи, шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғининг режим ва кадрлар бўйича ўринбосари, 2005 йилдан Косонсой туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи, 2008 йилдан туман ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозимида фаолият юритиш билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясини тугатди.

2008 йилдан Ўзбекистон Савдосаноат палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Муҳаммадаюбхўжа Пўлатович Апақов Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсад ва вазифаларини кенг омма орасида тарғибот қилиш, аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлиги ва самарасини оширишда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Муҳаммадаюбхўжа Пўлатович Апақов 42-Косонсой сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Илм истаб



**Абдулла Нуритдинович Расулов**

Фаолияти давомида доим ёшлар билан бирга бўлиб, уларга илм зиёсининг янги қирраларини очиб беришни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди. Абдулла Нуритдинович Расулов 1959 йилда Наманган шаҳрида туғилган. 1985 йилда Тошкент Давлат университетини тугатган. Ихтисоси — тарихчи-жамиятшунос. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

1985 йилдан Наманган Давлат университети кабинет мудирлигидан меҳнат фаолиятини бошлаб, сўнг Қозон Давлат университети аспиранти, Наманган вилояти ижроия қўмитаси сектор мудири, Наманган Давлат университети тарих факультети доценти, декан муовини, университет касаба уюшмаси қўмитаси раиси, Ўзбекистон Миллий университети докторанти, Наманган Давлат университети тарих факультети "Умумий тарих" кафедрасида доцент, "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудири ва доценти, Наманган Давлат университети маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректори, ҳозирда эса "Ватан тарихи" кафедраси мудири лавозимида фаолият юритмоқда.

2005 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Унинг таълим-тарбия тизимини янада ривожлантиришга қўшиб келаётган ҳиссаси юқори баҳоланиб, 2009 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан профессор унвони берилган.

Шу вақтга қадар А.Расуловнинг Тошкент, Наманган, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Қозон, Омск каби шаҳарларда 70 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалари, турли тўплам ва китоблари нашр этилган. 1997 йилда "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан мукофотланган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Абдулла Нуритдинович Расулов 39-Дўстлик сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Аёл — дунёни тебратар



**Шоира Рустамовна Лутфуллаева**

Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади, деган шиорни доимо амалда қўллаб келаётган Шоира Рустамовна Лутфуллаева 1973 йилда Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида туғилган. 1995 йилда Андижон Давлат тиббиёт олийгоҳини даволаш мутахассислиги бўйича тамомлаган. Ихтисоси — акушер-гинеколог. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Ш.Лутфуллаева меҳнат фаолиятини 1995 йилда Наманган шаҳридаги 2-сонли туғруқхонадан бошлади. Сўнг Наманган шаҳридаги 1-шаҳар туғруқ комплекси врач-ординатори, бўлим мудири лавозимларида фаолият юритди. 2009 йилнинг март ойидан буён Наманган шаҳар туғруқ комплекси бош врачи лавозимида ишламоқда.

Ш.Лутфуллаева туғруқ комплексида ташкилий масалаларни одил ҳал қилиш, беморларга, ҳомиладор аёлларга сифатли, малакали ёрдам бериш, шаҳар миқёсида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилишини ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ўзининг беминнат хизматини қўшиб келмоқда.

Ш.Лутфуллаева изланувчанлиги, меҳнатсеварлиги ва касбига сидқидилдан ёндоша олиш қобилияти билан 2007 йилдан бошлаб, Наманган вилояти акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказида "Ҳомиладорларда пиелонефритни кескин ўзгарувчан ва нобарқарор иқлим ва шароит таъсирида шаклланиши, клиник кечиши ва профилактикаси" мавзусида илмий тадқиқот олиб бормоқда.

Шоира Рустамовна Лутфуллаева Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг вилоят кенгаши фаолларидан ҳисобланади, партиянинг мақсад ва вазифаларини чуқур англаб уларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Оилали. Бир нафар фарзанди бор.

**Шоира Рустамовна Лутфуллаева 44-Тўрақўрғон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Ҳуқуқ тарғиботчиси



**Акмал Эргашевич Рахманов**

Ўз соҳасининг етук мутахассиси, бутун меҳнат фаолиятини ўз соҳасининг ривожига ва юқори малакали юрист кадрларни тайёрлашга қаратган Акмал Эргашевич Рахманов 1967 йилда Наманган вилоятининг Норин туманида туғилган. 1991 йилда Тошкент Давлат университетининг география факультетини тамомлагач, 2000 йилда Тошкент Давлат юридик институтини имтиёзли диплом билан якунлади. Ихтисоси — географ, ҳуқуқшунос. Юридик фанлар номзоди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

А.Рахманов меҳнат фаолиятини 1991 йилда Тошкент Давлат университетида катта лаборант вазифасидан бошлади. Ўқиш мобайнида университетнинг география факультети "Иқтисодий ва ижтимоий география" кафедраси кундузги бўлим аспирантурасида ҳам ўқиди. 1995-1996 йилларда Тошкент Давлат юридик институти кутубхонаси ходими, "Нашриёт ва муҳаррирлик" бўлими муҳаррири, "Аспирантура ва докторантура" бўлимининг мудири, институт ректори ёрдамчиси ҳамда "Маънавият ва маърифат" бўлими раҳбари лавозимларида ишлади.

2000-2004 йиллардан Тошкент Давлат юридик институти "Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви" кафедрасининг ўқитувчиси ва "Конституциявий ҳуқуқ" кафедрасининг катта ўқитувчиси лавозимларида фаолият юритди. 2009 йилдан бошлаб Тошкент Давлат юридик институти магистратура бўлими бошлиғи лавозимида ишламоқда.

Жорий йилдан «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми» мавзусида диссертация ҳимоя қилди ва юридик фанлар номзоди илмий даражасига эга бўлди. У моҳир педагог, ташкилотчи, ташаббускор, талабчан мураббий ва раҳбардир. Ҳозирги кунда у конституциявий ҳуқуққа оид 2 та дарслик, 4 та ўқув, ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳлар, 50 га яқин илмий-оммабоп мақолалар муаллифидир.

А.Рахманов профессор-ўқитувчилар ва жамоа ўртасида алоҳида ҳурматга эга. Илмий-педагогик фаолияти билан бирга, республика миқёсидаги барча ижтимоий-сиёсий ҳамда суд-ҳуқуқ ислоҳотларига оид тадбирларда доимо ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ишчи гуруҳи аъзоси сифатида қонунлар сифатини ошириш ва такомиллаштиришда фаол иштирок этмоқда.

Унинг фаолияти ва саъй-ҳаракатлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, 2006 йилда "Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Акмал Эргашевич Рахманов Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолларидан ҳисобланади.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Акмал Эргашевич Рахманов 45-Уйчи сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ёшларга етакчи



**Зуҳра Садирдиновна Узоқова**

Ўз соҳасидаги тинимсиз изланишлари билан атрофдагиларга ва ёшларга ўрнак бўлиб келаётган Зуҳра Садирдиновна Узоқова 1973 йилда Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида туғилган. У мактаб пайтларидан бошлаб ташкилотчилиги, етакчилиги билан синфдошларидан ажралиб турарди. 1998 йилда Наманган Саноат технологияси институтининг "Ишлаб чиқариш иқтисоди ва уни бошқариш" факультетини тугатган. Ихтисоси — иқтисодчи-менежер. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

З.Узоқова меҳнат фаолиятини 1998 йилда Учқўрғон туманидаги Қўғай ширкатлар уюшмаси марказий тармоқ ёрдамчи ҳисобчиси вазифасидан бошлаган.

2000-2008 йилдан эса Учқўрғон иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси, касбий таълим бўйича директор ўринбосари, 2008 йилдан Учқўрғон тумани Қўғай агросаноат касб-ҳунар коллежи директори лавозимида фаолият юритмоқда.

З.Узоқова коллежда раҳбарлик қилиш билан бирга "Касб-ҳунар коллежларида таълим тарбия жараёнларини такомиллаштиришнинг илмий-методик асослари" мавзусида илмий иш олиб бормоқда.

З.Узоқова доимо касбдошлари билан самимий муносабатда бўлишга интилади. Коллежда ташкилотчилиги, янгиликка интилиши, илм йўлидаги фидойилиги, соҳа ривожига доир ижобий таклифлари билан жамоанинг ҳурматига сазовор бўлган. У дунёқараши кенг, таҳлил ва тадқиқ этиш қобилиятига эга, оққўнгил, меҳнатсевар ва ишга нисбатан масъулиятли. Ўрганганларини ёшларга ҳам ўргатишни истайди.

Зуҳра Садирдиновна Узоқова Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг вилоят кенгаши фаолларидан ҳисобланиб, партиянинг мақсад ва вазифаларини чуқур билган ҳолда уларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

**Зуҳра Садирдиновна Узоқова 46-Учқўрғон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## «Камолот»чилар сардори



**Дилафруз Шамсиддиновна Ҳамрохўжаева**

Ёшларнинг ҳаётда қоқилмасликлари учун уларнинг яқин дўсти — бу китоб, деб биладиган Дилафруз Шамсиддиновна Ҳамрахўжаева 1977 йилда Наманган вилоятининг Чортоқ шаҳрида туғилган. 2000 йилда Наманган Давлат университетининг педагогика-психология мутахассислигини тугатган. Ихтисоси — психолог. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

У меҳнат фаолиятини 1995 йилда Чортоқ туман марказлашган кутубхоналар тизимига қарашли шоҳобчада кутубхоначи лавозимидан бошлади. Ундан сўнг "Камолот" жамғармаси Чортоқ туман бўлими кенгаши бош мутахассиси, кейинчалик "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Камалак" болалар ташкилоти раиси ҳамда Чортоқ туманидаги педагогика коллежи ўқитувчиси лавозимларида фаолият юритган.

Ҳозир "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чортоқ туман кенгаши раиси лавозимида фаолият юритмоқда.

Д.Ҳамрохўжаева касбий билимлари ва малакасини оширишга, меҳнат ва ижро интизомига доимо риоя қилган ҳолда ёшларга малакали раҳбар сифатида ўрнак бўлмоқда.

Д.Ҳамрохўжаева бугунги кунда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг фаоли сифатида партиянинг жамиятда тутган ўрнини ошириш борасида ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда.

**Дилафруз Шамсиддиновна Ҳамрохўжаева 47-Чортоқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Эл корига мададкор



**Улуғбек Тохиржанович Исматиллаев**

Инсон ҳуқуқларини ҳамма нарсадан устун дея баҳолайдиган Улуғбек Тохиржанович Исматиллаев 1979 йилда Наманган вилоятининг Уйчи туманида туғилган. 2000 йилда Тошкент Давлат юридик институтини тугатган. Ихтисоси — ҳуқуқшунос. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

У.Исматиллаев меҳнат фаолиятини 2000 йилда Уйчи туманидаги "Ал-Жаҳон" Ўзбек-Хитой қўшма корхонасида ҳуқуқшунос-маслаҳатчи лавозимидан бошлаган.

2004 йилдан Наманган вилоят адлия бошқармасининг шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бош маслаҳатчиси, 2006 йилда бошқарманинг кадрлар бўйича бош маслаҳатчиси бўлиб ишлаган.

2009 йилдан Наманган вилоят адлия бошқармасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

У.Исматиллаев ўзига топширилган вазифага масъулият билан ёндошиб уни муваффақиятли амалга оширишда бор куч, билим ва тажрибасини аямайди. Ташаббускорлик билан бошқаларни ҳам одамлар дарди билан яшаш, эл корига мададкор бўлишга етаклай олади. У ўзига бўлгани каби ҳамкасбларига нисбатан ҳам талабчан. Қонун устуворлигини таъминлаш — иш фаолиятидаги бош мақсади.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Улуғбек Тохиржанович Исматиллаев 48-Чуст сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Соғлом фарзандлар — юрт келажаги



**Мурибат Абдужаббаровна Зокирова**

Келажак авлоднинг баркамол бўлишида фарзандларимизнинг соғлигига эътиборли бўлишимиз керак, - деб ҳисоблайдиган Мурибат Абдужаббаровна Зокирова 1967 йилда Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида туғилган. 1990 йилда Андижон Тиббиёт институтини тамомлаган. Ихтисоси – врач-педиатр. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

М.Зокирова меҳнат фаолиятини 1990 йилда Янгиқўрғон туманидаги болалар поликлиникасидан бошлаган.

1998 йилдан тумандаги врачлик пункти мудири, 2005 йилдан буён Янгиқўрғон тумани бирламчи тиббий санитария ёрдами бўйича бош шифокор ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

М.Зокирова ўз касбининг етук мутахассиси, шу билан биргаликда ишда ўта масъулиятли ва қатъиятли. Ҳаётда самимий ва камтар инсон сифатида обрў-эътиборга эга. Ўзига нисбатан талабчан бўлиб, ўз устида тинмай изланади. У ҳар бир болани соғлом ва комил инсон бўлиб улғайишини истайди.

Мурибат Абдужаббаровна Зокирова Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг вилоят кенгаши фаоли сифатида партия дастурини ҳаётга татбиқ этишга ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Мурибат Абдужаббаровна Зокирова 49-Янгиқўрғон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Эзгу ният йўлида



**Фарида Облакуловна Зикирова**

Фарида Зикирова шифокор бўлиш билан бирга Самарқанд вилоят соғликни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг фаол аъзосидир. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. У соҳа тизимига кирувчи барча қуйи касаба уюшма ташкилотларининг кам таъминланган, кўп болали оилалар, қарияларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, соғликни сақлаш муассасаларида ишловчи хотин-қизлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Фарида Зикирова 1966 йилда Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманида туғилган. 1989 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини тамомлаган. Ихтисоси — даволовчи-шифокор. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Ф.Зикирова меҳнат фаолиятини 1989 йилда Самарқанд туман марказий шифохонасида врач-терапевт вазифасидан бошлаган.

1998-2000 йилларда "ФОЗ" даволаш фирмасиниг раҳбари, 2000 йилдан касаба уюшмалари Самарқанд вилоят кенгашининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлимининг йўриқчиси, 2001 йилдан буён Самарқанд вилоят соғликни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Фарида Облакуловна Зикирова бугунги кунда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси сафида туриб, ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Фарида Облакуловна Зикирова 50-Регистон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Одамлар орасида



**Зебинисо Аюбовна Ҳакимова**

Зебинисо Аюбовна Ҳакимова 1960 йилда Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида туғилган. 1983 йили Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Ихтисоси — журналист. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

З.Ҳакимова меҳнат фаолиятини 1978 йилда Оқдарё туманидаги "Оқдарё овози" газетасида адабий ходим вазифасидан бошлаган.

1978-1992 йилларда мазкур газетанинг "Қишлоқ хўжалиги", "Маданият ва турмуш" бўлимлари мудири, 1992-1993 йилларда Оқдарё тумани ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси раиси, 1993-2003 йилларда "Оқдарё овози" таҳририятида бўлим мудири, 2003-2005 йилларда Самарқанд СТВ — телерадиокомпаниясининг назорат-таҳлил муҳаррири вазифаларида фаолият юритди. 2005 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилоят кенгашида "Болалар, ёш хотин-қизлар, оила ва саломатлик масалалари" бўлими мудири вазифасида ишлаб келмоқда.

З.Ҳакимова ёшлар етакчиси бўлиб ишлаш билан бирга республика миқёсида чоп этиладиган "Туркистон", "Сўғдиёна", "Даракчи", "Бекажон" ҳамда вилоят нашри "Зарафшон" газеталарида ўз мақолалари, ҳикоялари билан мунтазам чиқишлар қилиб туради. Чуқур билим ва тажрибали, кенг мушоҳадали ижодкор аёл сифатида ўқувчилар эътиборини қозонган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Ҳакимова Зебинисо Аюбовна 51-Суғдиёна сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Оила мустаҳкамлиги — юрт тинчлиги



**Камбар Мусурманкуловна Аҳмедова**

Камбар Мусурманкуловна Аҳмедова 1966 йилда Самарқанд вилояти Жомбой туманида туғилган. 1992 йилда Самарқанд Тиббиёт институтининг педиатрия факультетини тамомлаган. Ихтисоси – врач-педиатр. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

К.Аҳмедова меҳнат фаолиятини 1992 йилда Самарқанд тиббиёт институтига қарашли 1-сон клиника касалхонасида врач-интернатура вазифасидан бошлаган.

1996-2004 йилларда Самарқанд шаҳар 5-сон болалар поликлиникасида болалар шифокори, 1999 йилдан Республика "Оила" илмий-амалий маркази Самарқанд вилояти бўлими директори лавозимида ишлаб келмоқда.

К.Аҳмедова "Оила" илмий-амалий марказининг раҳбари сифатида ўзбек оиласининг ўзига хослиги, мустаҳкамлиги юрт тинчлиги ва фаровонлиги кафолати эканлигини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш борасида фаоллик кўрсатиб келади. "Ватан остонадан бошланади", деган нақл бежиз айтилмаган. Бугунги кунда оилаларда улғайиб, вояга етаётган ёшларни она юртга садоқат, муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ўқимишли, ўз касбининг устаси қилиб вояга етказиш муҳим аҳамиятга эга. Камбар Аҳмедова бунга барча масъул эканлиги, бунинг учун ҳамма бирдек ҳаракат қилиши лозимлигини таъкидлайди.

К.Аҳмедова ўзининг билим ва ташкилотчилик маҳоратига таяниб, вилоят тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда вилоятдаги оилаларда тарғибот-ташвиқот ишларини изчил олиб бормоқда Бу жараёнда соҳа имкониятларини ҳар томонлама ўрганиб, таҳлил қилиб, камчиликларни бартараф этиш, ишларни замонавий талабларга мувофиқ ташкил этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш борасида яхши натижаларга эришмоқда.

К.Аҳмедова қатъиятли, янгиликка интилувчан, мустақил фикрга эга, ҳар бир масалага ўта масъулият билан ёндошадиган инсон.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор

**Камбар Мусурманкуловна Аҳмедова 52-Булунғур сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Куч, тажриба ва ҳаракат



**Абдусамад Қамбарович Мамаюсупов**

Абдусамад Қамбарович Мамаюсупов 1958 йилда Самарқанд вилояти Иштихон туманида таваллуд топган. 1979 йилда Самарқанд Давлат университетининг механика-математика факультетини тамомлаган. Ихтисоси — математика ўқитувчиси. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Иш фаолиятини 1979 йилда Самарқанд Давлат меъморчилик қурилиш институтининг "Назарий механика" кафедрасида ассистент вазифасидан бошлаган.

1994 йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг Самарқанд бўлими бошлиғи, 2000 йилдан Самарқанд Давлат университети илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаб келмоқда. А.Мамаюсуповнинг "Бир жинсли бўлмаган ва анизотроп жисмларида сирт тўлқинларнинг тарқалиши" мавзусидаги илмий тадқиқотлари халқаро миқёсда тан олинган. У София, Москва, Новосибирск, Пермь, Ереван ва Тошкент шаҳарларида механика соҳаси муаммоларига бағишланган илмий анжуманларда маърузалар қилган. 50 дан ортиқ илмий мақолалари республика ва халқаро илмий журналлар, тўпламлар ва конференция материалларида чоп этилган. У ҳаётда ҳар доим олға интилиб, юрт манфаати, аҳоли фаровонлиги йўлида куч ва тажрибаларни сафарбар этиш муҳим омиллардан саналади, деб ҳисоблайди.

А.Мамаюсупов илмий ва педагогик фаолиятини жамоат ишлари билан уйғунлашган ҳолда олиб бориш қобилиятига эга. У университет, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган тадбирларда жонбозлик кўрсатмоқда. А.Мамаюсупов шунингдек, "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши аъзоси, "Эргаш Жуманбулбул маънавият маркази" вилоят ташкилотининг раисидир.

А.Мамаюсупов камтарин, виждонли ва тўғрисўз инсон. Касбдошларига, оиласига, дўстларига нисбатан доимо ғамхўр.

Оилали. Етти нафар фарзанди бор.

**Абдусамад Қамбарович Мамаюсупов 53-Иштихон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Фаол тарғиботчи, етук мутахассис



**Олим Авалбаевич Усаров**

Олим Авалбаевич Усаров 1973 йилда Самарқанд вилояти Булунғур туманида туғилган. 1996 йилда Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетини, 2002 йилда Тошкент Давлат юридик институтининг суд-прокурорлик факультетини тамомлаган. Ихтисослиги — журналист, ҳуқуқшунос. Филология фанлари номзоди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

1991-1995 йилларда "Чирчиқ тонги" газетасида мухбир, бўлим бошлиғи, масъул котиб вазифаларида ишлаган. 1992-1994 йилларда Чирчиқ шаҳридаги 2-академик лицейда ўриндошлик асосида ўқитувчилик қилган.

1995-2002 йилларда Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг "Спорт" таҳририяти муҳаррири, "Маънавият" бош дирекцияси бўлим бошлиғи, "Сиёсат" бош муҳарририяти бўлим бошлиғи, "Ёшлар" телеканали гуруҳ раҳбари, продюссер лавозимларида ишлаган. 2000-2001 йилларда ўриндошлик асосида Кураш Халқаро Ассоциацияси Матбуот хизмати эксперти лавозимида фаолият юритган.

2002-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Матбуот маркази раҳбари ҳамда "Олий суд Ахборотномаси" илмий-амалий журнали ва "Куч-адолатда" газетаси Бирлашган таҳририяти бош муҳаррири лавозимларида ишлаган. "1-даражали юрист" даражасига эга.

2005-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси вазифасида фаолият юритди ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштириш, амалда бўлган қонунларнинг жойларда ижросини назорат-таҳлил этиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва ўзбек миллий парламентаризмининг ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг доимий фаолият олиб бораётган Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси аъзоси сифатида қонун лойиҳаларини норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш ва мавжуд камчиликларни бартараф этишда иштирок этди.

О.Усаров ҳар доим ўз устида ишлаш билан биргаликда партия ва жамоат ишларида фаол қатнашиб келади. Жумладан, 2005-2008 йилларда жамоатчилик асосида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича котиби вазифасида ишлади. Миллий қадриятимиз ҳисобланган ўзбек кураши жонкуярлари қаторида ушбу спорт турининг жаҳонда янада оммавийлашишида муносиб улуш қўшмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари сифатида жамиятда олиб борилаётган демократик ўзгаришларнинг туб мазмун-моҳиятини аҳоли орасида фаол тарғиб этиш билан бирга, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида талабаларга сабоқ бермоқда.

О.Усаров қатор кўрик-танловлар, хусусан, "Ижодкор ўқитувчилар" (1994 й.), "Энг азиз, энг улуғ" Республика кўрик-танловлари (1997 й.) ғолиб ва совриндори. Нуфузли хориж билимгоҳлари ва ўқув марказлари, жумладан, Халқаро Республика Институти (АҚШ, 2003 й.), Бутун Жаҳон Банкининг иқтисодий ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш дастури (1996 й.), ЕХҲТнинг истиқболли дастурларни тайёрлаш курси (2004 й.) сертификатларини қўлга киритган. Туркия, Россия, АҚШ, Арманистон давлатларида журналистика ва ҳуқуқшунослик соҳаларида малака ошириб қайтган.

2009 йилда "Оммавий ахборот воситаларида суд процессларининг ёритилиши муаммолари" мавзусидаги диссертациясини ҳимоя қилди ва филология фанлари номзоди илмий даражасини олди. Унинг 20 дан ортиқ илмий ишлари, "Баҳор хазонлари", "Изтироб гуллари", "Зумрад тонглар" шеърий тўпламлари, "Тунги қотиллик" қиссаси, "Ахборотлашаётган жамият ва миллий менталитет" илмий мақолалар тўплами нашр этилган.

Олим Авалбаевич Усаров Ўзбек кураши бўйича Халқаро тоифадаги ҳакам, спорт усталигига номзод. "Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги" кўкрак нишони билан мукофотланган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Олим Авалбаевич Усаров 54-Каттақўрғон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Келажакка интилиб



**Хабейба Мардановна Маҳкамова**

Хабейба Мардановна Маҳкамова 1971 йилда Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида таваллуд топган. 1995 йилда Самарқанд Давлат педагогика институти ўзбек филологияси факультетини тугатган. Ихтисоси-филолог. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Х.Маҳкамова меҳнат фаолиятини 1995 йилда Самарқанд шаҳридаги 54-ўрта мактабда она тили ва адабиёти ўқитувчиси вазифасидан бошлаган.

2000-2001 йилларда Самарқанд Давлат университети қошидаги академик лицейда кадрлар бўлими бошлиғи, 2002-2006 йилларда Самарқанд Давлат чет тиллар институти "Фалсафа" кафедрасида фалсафа фани ўқитувчиси бўлиб фаолият юритган. 2006 йилдан Самарқанд вилоят Ёшлар маркази қошида ташкил этилган "Билим-орзу" ўқув маркази директори лавозимида ишлаб келмоқда.

- Ўзига билдирилган ишончни оқлаш ҳаётнинг муҳим қонуниятларидан. Бунинг учун касбга нисбатан фидойилик, талабчанлик ва энг муҳими, қизиқиш талаб этилади,- дейди Хабейба Маҳкамова. Унинг ўтган йиллар давомидаги саъй-ҳаракати, ташаббуслари бошқаларга ўрнак, намуна бўлди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган туб ислоҳотлар, ўзгаришларга нисбатан бефарқ эмас. Х.Маҳкамова одамлар орасида бўлганида бундай имконият, шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлайди. Бу эса барчамиздан юқори билим ва тажриба талаб этади.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Хабейба Мардановна Маҳкамова 55-Қорадарё сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Қонун ижодкори



**Эркин Джўраевич Юсупов**

Эркин Джўраевич Юсупов 1960 йилда Самарқанд вилояти Пахтачи туманида туғилган. 1981 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг қишлоқ хўжалиги иқтисоди факультетини "Қишлоқ хўжалигини режалаштириш" мутахассислиги бўйича тамомлаган. Ихтисоси — иқтисодчи. Иқтисод фанлари доктори. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Э.Юсупов 1984-1987 йилларда Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалиги иқтисоди илмий тадқиқот институтида кундузги бўлим аспиранти сифатида таълим олган ва 1987 йилда "Қишлоқ хўжалигида хўжалик ҳисоби ва халқ хўжалиги рентабеллиги" мавзусида диссертацияни ҳимоя қилиб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олган.

Э.Юсупов 1987-1991 йилларда Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалиги иқтисоди илмий тадқиқот институтида катта илмий ходим, 1991-1994 йилларда Тошкент Молия институтининг катта ўқитувчиси, 1994-1995 йилларда Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтида доцент, 1995-1999 йилларда Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий тадқиқот институтида сектор мудири лавозимида ишлаган.

У 1998 йилда "Аграр саноат мажмуини ислоҳ қилиш ва тармоқлараро иқтисодий мутаносибликни шакллантириш муаммолари" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган ва иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олган. 1999-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бошқарма бошлиғи вазифасида ишлади. Бу даврда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Вазирлик раҳбарияти томонидан ташаббускорлик хислатлари эътиборга олиниб бир неча бор Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Э.Юсупов 2004 йилда «Фидокорлар» миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланган. 2005 йилдан бошлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзосидир. Депутатлик фаолияти давомида аҳоли ва товар ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг асосий бурчи деб ҳисоблаб келди.

Э.Юсупов "Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўйича қонунчилик ташаббусини кўрсатган. Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган қонун лойиҳалари, айниқса бюджет ва солиқ масалаларига оид қонун лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли манфаатларидан келиб чиқувчи асосли таклифлар билдириб, уларни янада такомиллаштиришда фаол иштирок этмоқда.

2006 йилнинг декабрида Парламент делегацияси таркибида Миср Араб Республикасида бўлиб қайтган, 2006 йилнинг 20 августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан "Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги" кўкрак нишони билан мукофотланган.

Э.Юсупов депутатлик ваколати даврида ўз сайловчилари билан 100 га яқин учрашувлар ўтказган. 2005-2009 йилларда қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида 200 га яқин чиқишлар қилган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Эркин Джўраевич Юсупов 56-Нарпай сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ҳуқуқ билимга ундайди



**Муродқобил Авазович Махмудов**

Муродқобил Авазович Махмудов 1963 йилда Самарқанд вилояти Оқдарё туманида туғилган. 1989 йилда Самарқанд Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Ихтисоси—ҳуқуқшунос. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

М.Махмудов меҳнат фолиятини 1984 йилда Янгиқўрғон пахта тозалаш заводида ишчи вазифасидан бошлаган.

1986-1988 йилларда Янгиқўрғон пахта тозалаш заводи ҳуқуқшуноси, 1988-1989 йиллари Оқдарё тумани халқ судида суд мажлиси котиби, 1989-1996 йиллларда Оқдарё тумани Матлубот жамиятлари уюшмаси катта ҳуқуқшуноси, 1996-2001 йилларда Ўзбекистон Саноат қурилиш банки Самарқанд вилоят бўлими бош ҳуқуқшуноси, 2001-2009 йилларда Самарқанд вилояти Адвокатлар ҳайъати адвокати лавозимларида фаолият юритди. 2009 йилдан Самарқанд вилояти Адвокатлар ҳайъатининг махсуслаштирилган юридик маслаҳатхона мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

- Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир инсон ҳуқуқий соҳадан етарлича билим, тажрибага эга бўлиши ва уни мунтазам ошириб бориши лозим,- деди Муродқобил Махмудов.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Муродқобил Авазович Махмудов 57-Оқдарё сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ислоҳотлар билан ҳамнафас



**Абдил Касимович Тўхташев**

Абдил Касимович Тўхташев 1955 йилда Самарқанд вилояти Қўшработ туманида туғилган. 1976 йилда Тошкент Давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

А.Тўхташев меҳнат фаолиятини 1976 йилда Самарқанд шаҳар прокуратурасида бошлаган. Сўнгра Самарқанд вилоят прокуратурасида судларда жиноят ишлари кўрилишини назорат қилиш бўлими прокурори бўлиб ишлаган. 1981-1982 йилларда Самарқанд вилояти суди судьяси, 1982-1986 йилларда суд раисининг ўринбосари, 1986-1990 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси, 1990-1997 йилларда Самарқанд вилоят суди раиси лавозимида фаолият кўрсатган.

А.Тўхташев 1997-1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бошқармаси ҳамда Фуқароларнинг қонунчиликни бузилиши масалалари тўғрисидаги ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаш билан бирга Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси ва Апелляция комиссияларига раислик қилган. 1997 йилда Ўзбекистон судьялари ассоциацияси раиси лавозимига сайланиб, унга 2001 йилнинг охиригача раҳбарлик қилган.

А.Тўхташев 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати этиб сайланган. 2000-2005 йилларда Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясининг аъзоси, Олий Мажлис Котибияти Назорат-ахборот бўлими мудири лавозимида ишлаган.

А.Тўхташев 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланиб, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси, жамоатчилик асосида Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси раисининг ўринбосари сифатида фаолият юритиб келмоқда.

А.Тўхташев топширилган вазифани муваффақиятли амалга оширади, қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, бир сўз билан айтганда халқ билан ҳамнафас яшашни муҳим омил деб ҳисоблайди. А.Тўхташев Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фаолияти даврида беш маротаба қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан фойдаланди ва 22 та қонун бўйича масъул этиб тайинланиб, уларни Қонунчилик палатаси ялпи йиғилиши муҳокамасига маърузачи сифатида олиб чиққан.

А.Тўхташев бир қанча ўқув юртларида амалий машғулотлар ўтказди, халқаро ва мамлакат миқёсидаги конференция ҳамда семинарларда маърузалар қилиб, шулар асосида бешта китоби нашр қилинган. Унинг қаламига мансуб ҳуқуқий мавзулардаги таҳлилий мақолалар кенг жамоатчиликда ҳамиша қизиқиш уйғотиб келади.

Абдил Касимович Тўхташев биринчи даражали судья ва биринчи даражали адлия маслаҳатчиси махсус унвонларига эга. "Жасорат" медали билан тақдирланган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Абдил Касимович Тўхташев 61-Тайлоқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Ибратли ишлар самараси



**Ханим Насимова**

Ханим Насимова 1954 йилда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида туғилган. 1977 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Ихтисоси — ҳуқуқшунос. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Х.Насимова меҳнат фаолиятини 1974 йили Тошкент шаҳар туман судининг котибаси вазифасидан бошлаган.

1977-1978 йилларда Самарқанд шаҳар прокурорининг иш ўрганувчи ёрдамчиси, 1978-1979 йилларда Самарқанд шаҳар Сиёб туман прокурорининг ёрдамчиси, 1979-1984 йилларда Самарқанд вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурорининг ёрдамчиси, 1984-1987 йилларда Самарқанд шаҳар Сиёб тумани прокурорининг катта ёрдамчиси, 1987-1991 йилларда Самарқанд тумани судининг судьяси, 1991-2000 йилларда Тайлоқ тумани судининг раиси, 2001-2002 йилларда Самарқанд шаҳар Темирйўл тумани ФҲДЁ бўлимининг 2-тоифали иш юритувчи котибаси, 2002-2005 йилларда Жомбой тумани ФҲДЁ бўлими мудираси лавозимларида фаолият юритган. 2005 йилдан Самарқанд тумани ФҲДЁ бўлими мудираси лавозимида ишлаб келмоқда.

Х.Насимова иш вазифасини сидқидилдан бажаради, ўзига бўлгани каби ҳамкасбларига нисбатан ҳам талабчан.

Ханим Насимова бугунги кунда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг фаоли сифатида партиянинг жамиятда тутган ўрнини тўлақонли ҳис этган ҳолда ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Ханим Насимова 58-Пастдарғом сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Партия етакчиси



**Ахтам Саломович Турсунов**

Ахтам Саломович Турсунов 1954 йилда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида туғилган. 1976 йилда Тошкент Давлат университетининг юридик факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаган. Ҳуқуқшунослик фанлар доктори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси.

1978-1982 йилларда Москва Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультети аспирантурасида таҳсил олиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1982-1989 йилларда Самарқанд Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида ассистент, декан ўринбосари, 1991-1993 йилларда Тошкент Давлат юридик институти суд-прокурорлик мутахассислиги факультетининг декани, 1993-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида бошқарма бошлиғи, 1995-1997 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида етакчи консультант вазифаларида ишлаган.

1997-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори вазифасида фаолият кўрсатган.

А.Турсунов 1998-2000 йилларда "Ватан тараққиёти" партияси Марказий Сиёсий Кенгаши раиси, 2000 йилдан 2008 йилгача Ўзбекистон "Фидокорлар" миллий демократик партияси Марказий Кенгаши Биринчи котиби бўлган. 2008 йилдан буён Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси.

А.Турсунов 1994 йили биринчи чақириқ, 1999 йили иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ва 2004 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати этиб сайланган.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси бўлган.

2005 йилдан ҳозирги пайтгача Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, Кенгаши аъзоси вазифаларида ишлаб келмоқда. Шу давр ичида "Ўзбекистон – Европа Иттифоқи" парламент ҳамкорлиги Қўмитаси аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

2007-2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари вазифасида ишлаган.

А.Турсунов депутат сифатида доимо самарали фаолият олиб бормоқда. Хусусан, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда жамиятдаги долзарб масалаларни ҳал этишга доир тўртта қонун лойиҳасини ишлаб чиққан. У қонун ижодкорлиги жараёнида асосий эътиборни миллий қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масалаларига, мамлакатимиз барқарор иқтисодий тараққиётини, давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини янада эркинлаштиришни, демократик институтларни ривожлантиришни, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришни, жамиятда барқарорлик, тинчлик, хавфсизлик ва миллатлараро тотувлик янада мустаҳкам қарор топишини қонунчилик йўли билан таъминлашга қаратиб келмоқда.

А.Турсунов таниқли ҳуқуқшунос олим, фан доктори сифатида ўнлаб қўлланмаларнинг ҳамда 200 дан ортиқ илмий ишларнинг муаллифи.

У биринчи даражали адлия маслаҳатчисидир.

Ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлиги, принципиаллиги ҳамда фаол сиёсий ва илмий-педагогик фаолияти туфайли кенг жамоатчилик ўртасида ҳурмат қозонган.

А.Турсунов Ўзбекистонни янада юксалишига, халқ фаровонлигининг ошишига, тинчлик ва барқарорлик сақланишига қўшган ҳиссаси, Ватанимиз обрўси, шон-шуҳрати ва шарафини ошириш йўлидаги хизматлари учун "Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги", "Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги" эсдалик нишонлари, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони, "Меҳнат шуҳрати" ва "Дўстлик" орденлари билан мукофотланган.

Оилали. Беш нафар фарзанди бор.

**Ахтам Саломович Турсунов 63-Қоратепа сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Соғлом турмуш тарафдори



**Абдукарим Исобекович Шерғозиев**

Абдукарим Исобекович Шерғозиев 1962 йилда Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида туғилган.

1987 йилда Самарқанд Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Ихтисоси — ҳуқуқшунос. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

А.Шерғозиев меҳнат фаолиятини 1987 йилда Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги "Қишлоқхўжаликтаъмир" қурилиш ташкилотида ишчи вазифасидан бошлаган. 1988-1991 йилларда мазкур ташкилотда юрист-маслаҳатчи, 1992-1994 йилларда Пайариқ тумани халқ суди девонхона мудири, 1994-1996 йилларда Самарқанд вилояти адвокатлар коллегиясининг аъзоси, 1999-2000 йилларда Пайариқ туманидаги "Исобек ота" фермер хўжалиги раиси, 2000-2003 йилларда Пайариқ шаҳрида жойлашган "Пайариқ" адвокатлик фирмаси адвокати, 2003-2008 йилларда Каттақўрғон туманлараро фуқаролик суди судьяси лавозимларида ишлади.

А.Шерғозиев 2008 йилдан "Пайариқ" адвокатлик фирмаси директори лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

У масъулиятни ҳис қилади. Хушмуомалалиги, ўз касбини ҳурмат қиладиган инсон сифатида ҳамкасб дўстлари, одамлар орасида катта ҳурматга сазовор. Айниқса Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан илгари сурилган мақсад ва ғояларни аҳоли орасида кенг тарғиб этиб, тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Абдукарим Исобекович Шерғозиев 59-Пайариқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Тараққиётга эргашиб



**Фахриддин Тўйчиевич Норматов**

Фахриддин Тўйчиевич Норматов 1964 йилда Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманида туғилган. 1990 йилда Москва Озиқ-овқат саноати технологияси институтини, 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Ихтисослиги — муҳандис-технолог, бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари магистри. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Ф.Норматов меҳнат фаолиятини 1990 йилда Самарқанд шаҳридаги "Пульсар" концернида технолог вазифасидан бошлаган.

1994-1996 йилларда "Оби-роҳат" ҳиссадорлик жамиятида цех бошлиғи, қурилиш раҳбари, 1996-1997 йилларда "Самарқанд Прага" Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси ишлаб чиқариш бош муҳандиси, 1997-2004 йилларда "1-сонли пивозавод" Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси ёпиқ акциядорлик жамияти техник директори, 2005 йилда "Янгийўл Биокимё" очиқ акциядорлик жамияти транспорт бўлими бошлиғи ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази таълим бўлими мудири, "Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг" компанияси иқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш бошқармаси бош мутахассиси лавозимларида фаолият юритган. 2006 йилдан "Ўзвинсаноатхолдинг" компанияси иқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш бошқармаси бош мутахассиси лавозимида ишлаб келмоқда.

У яхши хулқ-атвор ва билимга, жамоа ўртасида катта ҳурмат ва эътиборга эга. Ишчи-ходимларга нисбатан ғамхўр. Ф.Норматов Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан уюштирилган тадбир, семинар-тренингларнинг фаол қатнашчиси. Аҳолининг муаммо ва талабларига эътибор ва хайрихоҳлик билан қарайди.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Фахриддин Тўйчиевич Норматов 60-Самарқанд сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби



**Олтиной Ахмадалиевна Эсанова**

Яхши касбнинг эгаси бўлиш, шу касбнинг орқасидан обрў-эътибор топиш, элнинг назарига тушиш осон иш эмас. Айниқса киши шифокор бўлса. Касбини улуғлаётган, шу баробарида ўзи ҳам улуғланаётган Олтиной Эсанованинг элнинг назарига тушиши ҳам бежизга эмас.

Олтиной Ахмадалиевна Эсанова 1958 йил Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида туғилган. 1981 йилда Ўрта Осиё Педиатрия тиббиёт олийгоҳини тамомлаган. Ихтисоси-педиатр. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

1981-1982 йилларда Ўзбекистон Республикаси Педиатрия илмий текшириш институтида таҳсил олгач, 1986 йилга қадар вилоят шифохонасининг туғруқхона бўлимида неонатолог бўлиб ишлаган. 1986-1990 йилларда Гулистон шаҳар марказий болалар поликлиникасида шифокор, мактабгача таълим ва ўрта мактаб шифокори, даҳа шифокори, поликлиника касаба уюшмаси раиси лавозимларида меҳнат қилган. О.Эсонова 1991-1996 йилларда Гулистон шаҳар марказий болалар поликлиникаси педиатрия бўлими мудири, 1996-2003 йиллар давомида шаҳар марказий болалар поликлиникаси бош шифокори ҳамда Гулистон шаҳар марказий шифохонаси хотин-қизлар қўмитасининг раиси лавозимларида фаолият олиб борган. 2003-2005 йилларда вилоят соғликни сақлаш бошқармаси бошлиғининг «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» бўйича муовини, 2005 йилдан бошлаб, ҳозирги даврга қадар «Соғлом авлод учун» нодавлат халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси сифатида ишлаб келмоқда.

Ўз меҳнат фаолиятини оддий шифокорликдан бошлаб вилоят соғликни сақлаш бошқармасида раҳбарлик даражасигача етган Олтиной Эсанова тизимда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган ислоҳотларни вилоятда амалга оширишда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Унинг фидойи меҳнати, вилоятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўрсатаётган ижтимоий ва тиббий ёрдами, болаларнинг соғлом бўлиб туғилиши ва вояга етиши йўлидаги хизматлари ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланиб, 2007 йилда «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган.

О.Эсанова Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сирдарё вилояти кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича ўринбосари сифатида партия дастурий вазифаларини бажариш, аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда ҳам жонбозлик кўрсатмоқда.

О.Эсанова зиммасига юклатилган ҳар бир вазифани сидқидилдан бажариши, жамоада талабчан раҳбарлиги, ташаббускорлиги ва камтарин инсонлиги билан кўпчиликнинг ҳурмати ва эътиборига сазовор бўлиб келмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Олтиной Ахмадалиевна Эсанова 64-Гулистон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Қатъиятли ва билимли раҳбар



**Ёқубжон Мўминқулович Ҳазратқулов**

Ёқубжон Мўминқулович Ҳазратқулов 1960 йилда Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилган. 1989 йилда Самарқанд Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Ихтисоси – филолог. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Ё.Ҳазратқулов меҳнат фаолиятини 1983 йилда Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 41-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган.

1986-1988 йилларда "Зарафшон" газетаси мухбири, 1988-1993 йилларда "Ургут садоси" газетаси нашрга тайёрловчи муҳаррири, 1993-1996 йилларда "Мерос" газетасининг бош муҳаррири вазифаларида ишлади. 1991 йилдан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси. У 1996 йилдан Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

"Мустақилликнинг 10 йиллиги" кўкрак нишони билан тақдирланган. Ёқубжон Мўминқулович Ҳазратқулов бугунги кунда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг фаоли сифатида партиянинг жамиятда тутган ўрнини тўлақонли ҳис этган ҳолда ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. У меҳнатсевар, изланувчан инсон. Айниқса, ёш авлодни муносиб, ўқимишли қилиб тарбиялаш, уларга имкониятлар яратишда жонбозлик кўрсатади. Жамоатчилик ишларида фаол иштироки билан ажралиб туради. Ё.Ҳазратқулов миллий урф-одатларимизни асраб-авайлаш, қадриятларимизни сақлаш ва уни келажак авлодга етказиш, партия билан аҳоли ўртасидаги алоқаларни янада кучайтиришга эътибор қаратади. Етарлича билим, савия, дунёқарашга эга бўлган Ё.Ҳазратқулов ҳамкасблари ўртасида ўзига хос ҳурматга эга.

Оилали. Беш нафар фарзанди бор.

**Ёқубжон Мўминқулович Ҳазратқулов 62-Ургут сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Бунёдкор



**Эгамназар Имонқулович Джураев**

Бугунги давр ҳар бир кишидан уддабуронлик, ишбилармонлик, бир сўз билан айтганда тадбиркорликни талаб этади.

Ёш, серғайрат, ташаббускор раҳбар Эгамназар Джураевда ана шу фазилатларнинг бари мужассам.

Эгамназар Имонқулович Джураев 1969 йил Сирдарё вилояти Ховос туманида туғилган. 1995 йилда Тошкент Давлат политехника институтининг архитектура факультетини тамомлаган. Ихтисослиги — архитектор. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Э. Джураев меҳнат фаолиятини Сирдарё вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасида архитектор сифатида бошлаган. Унинг зиммасига юклатилган топшириқларга масъулият билан ёндошиши, уларни ўз вақтида бажариши 1996-1999 йилларда "Сирдарёлойиҳа" масъулияти чекланган жамиятида бўлим бошлиғи, 2000-2008 йилларда Жиззах вилояти Янгиобод тумани бош архитектори, Ангрен шаҳри бош архитектори, "Тошкентбошплан" лойиҳалаштириш илмий-текшириш институти бўлим бошлиғи вазифаларигача бўлган йўлни босиб ўтишига сабаб бўлди. У 2008 йилдан бошлаб Сирдарё вилоят архитектура ва қурилиши бош бошқармаси бошлиғи этиб тайинланиб, бугунги кунда ушбу лавозимда самарали меҳнат қилмоқда.

Э.Джураев аҳоли яшаши, меҳнат қилиши, дам олиш ва таълим олиши учун қулай муҳит яратишнинг тарафдори сифатида вилоятда амалга оширилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишларида аниқ таклиф ва лойиҳалар билан чиқиб, уларнинг ҳар томонлама мукаммал қурилишида ўзининг кучи, билими ва имкониятини сафарбар этиб келмоқда. Бевосита унинг раҳбарлиги остида қуриб, фойдаланишга топширилаётган вилоятдаги нуфузли спорт мажмуалари, турар жой бинолари, меҳмонхоналар, мактаб, коллеж ва академик лицейлар вилоят кўркига кўрк бағишламоқда.

Эгамназар Джураев Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг изланувчан, ташаббускор аъзоси сифатида партия вилоят кенгаши томонидан олиб борилаётган ишларнинг ҳам фаол қатнашчиси.

Ўз устида тинимсиз ишлаш Э. Джураевни халқ орасида катта ҳурмат ва эътибор қозонишга олиб келди.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Эгамназар Имонқулович Джураев 65-Сайхун сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Файласуф олима



**Ойниса Мустафақуловна Мухамммадиева**

Касбларнинг энг улуғи ва энг шарафлиси ўқитувчиликдир. Бекорга ўқитувчини инсон руҳининг инженерига ўхшатишмайди. Аслида ҳам инсонни вояга етиши, мукаммал шахс этиб тарбияланишида унинг хизмати беқиёс.

Ойниса Мустафақуловна Мухаммадиева 1970 йилда Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида туғилган. 1996 йилда Тошкент Давлат университети фалсафа-иқтисод факультетининг фалсафа бўлимини имтиёзли диплом билан тамомлаган. Ихтисослиги-файласуф, фалсафа ўқитувчиси. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

О.Мухаммадиева йигирма бир йиллик меҳнат фаолиятининг ўн саккиз йилини устоз-мураббийлик касбига бағишлаган. Дастлаб, 1987-1990 йилларда Янгиер шаҳридаги болалар боғчаси, бир қатор ўрта мактабларда фаолият юритган. 1991-1993 йилларда Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳри халқ таълими бўлимига қарашли 9-ўрта мактабда тарих ва фалсафа фанларидан дарс бериш билан бирга, ушбу мактабда тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, 1993-1994 йилларда Янгиер шаҳар халқ таълими бўлимида мактабдан ташқари тарбиявий ишлар бўйича услубчи лавозимида ишлаган. 1994 йилдан Тошкент Давлат университети фалсафа факультетида ходим бўлиб ишлаган. 1996-1999 йиллар давомида мазкур университетнинг фалсафа факультети аспирантура босқичида таҳсил олган.

2000 йилдан бошлаб фалсафа факультетининг факультетлараро фалсафа кафедрасида катта ўқитувчи, 2006 йилдан Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети «Миллий ғоя ва ижтимоий фалсафа» кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаган.

Ойниса Мухаммадиева 2008 йилда «Мирзо Абдулқодир Бедил фалсафасида ахлоқий қадриятлар масаласи» мавзусида илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилиб, фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олган. Унинг элликдан ортиқ илмий мақолалари республикамиз оммавий ахборот воситаларида чоп этилган. Ёш олима теран фикр ва мушоҳада акс этган мақолалари орқали юртимиз илмий-маънавий салоҳиятининг юксалишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. У бугунги кунга қадар миллий ғоя ва сиёсатшунослик йўналишларида таҳсил олаётган талаба ва магистрларнинг 10 дан ортиғига илмий раҳбарлик қилган ва уларнинг меҳрибон устозига айланган.

Ойниса Мухаммадиева илмий-педагогик фаолияти, жамоатчилик ишларида фаоллигидан ташқари, 2000-2001 йилларда Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети хотин-қизлар қўмитаси раиси, 2001-2002 йилларда факультетнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича декан муовини лавозимида иш олиб борган.

Унинг университет ва партия ҳаётидаги фаолияти ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. 2008 йилдан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони «Хотин - қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари» бўлими бошлиғи лавозимида фаолиятини бошлар экан, у ушбу соҳада ҳам ўзининг иқтидори, салоҳияти ва ташаббускорлигини намоён этиб, тез орада партия жамоаси орасида ҳурмат ва мавқега эришди. Айни дамда Ойниса Мухаммадиева партия мазкур бўлими фаолиятини янада такомиллаштириш, ҳудудий ташкилотларда хотин-қизлар ишини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Партия фаолиятида янгича, ноанъанавий услубларда ишлаш механизмини илгари суришда ҳам унинг ғоялари, таклифлари амалиётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, жорий йилда ўтказилган «Донолик ва ташаббускорлик—сиёсий етакчилик мезони» мавзусидаги республика кўрик-танловининг муваффақиятли ташкил этилишидаги изланишлари ва меҳнатини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз.

Ёш олиманинг етук илмий-педагогик салоҳияти, сиёсий етакчилик ва ташкилотчилик қобилияти ва маҳорати сиёсатчи олимлар ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланиб, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш соҳасида самарали шакл ва услубларни қўллаш» мавзусида ўтказилган туркум ўқув-семинарларда эксперт сифатида иштирок этишига сабаб бўлди.

**Ойниса Мустафақуловна Мухамммадиева 66 – Янгиер сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Эл саломатлиги – юрт бойлиги



**Адолат Шамирзаевна Мукимова**

Фуқароларимиз саломатлиги-юртимиз бойлиги, деб ҳисоблайдиган Адолат Шамирзаевна Мукимова 1955 йилда Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида туғилган. 1978 йили Ўрта Осиё Тиббиёт педиатрия институтининг педиатрия факультетини тамомлаган. Ихтисослиги — болалар шифокори. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

А.Мукимова меҳнат фаолиятини 1978 йили вилоятдаги 1-сонли шифохонада интернатура вазифасидан бошлаган. Сурхондарё вилоят болалар шифохонасида бош гемотолог-шифокори лавозимида фаолият юритмоқда. 2008 йилдан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Термиз шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича раис ўринбосари лавозимида фаолият юритмоқда.

А.Мукимова врач-гематолог сифатида вилоят болалар тиббий профилактик кўрикларида вилоят соғликни сақлаш бошқармасининг ишчи гуруҳ таркибида қатнашиб келмоқда.

Жаҳон Соғликни сақлаш ташкилотининг дастурлари бўйича «Болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш», «Кўкрак сути билан боқиш», «Бехатар оналик», «Репродуктив саломатлик» мавзулари бўйича ўтказилган семинарларда фаол қатнашган. "Ёш оналар мактаби", «Камқонлик» дастури бўйича телевидения ва радиода мунтазам чиқишлар қилиб келади.

А.Мукимова вилоят болалар аҳолисини соғломлаштиришда янги замонавий тиббий усулларни қўллаб келмоқда. Шу жумладан, "Ўткир лейкоз" билан касалланган болаларни замонавий усуллар бўйича муолажа ўтказиш, камқонлик касаллиги билан даволанаётган беморларга венофер, космофер, глобекс, тотема препаратларидан кенг фойдаланиш яхши самара бермоқда. Унинг сайъ-ҳаракатлари вилоят ҳокимлиги томонидан инобатга олиниб, «Соғликни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Адолат Шамирзаевна Мукимова 69-Ангор сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## ҚВП мудираси



**Зебинисо Эсановна Ядгарова**

- Инсон қаерда ва қандай касбда ишламасин, ўз соҳасини севиши керак, шунда ишида унум, баракa, ўсиш бўлиб, халқига керакли инсон бўла олди, дейди Зебинисо Эсановна. У 1974 йилда Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида туғилган. 1997 йилда Тошкент Давлат педиатрия тиббиёт институтини тамомлаган. Ихтисослиги — педиатр. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

З.Ядгарова меҳнат фаолиятини 1997 йилда Денов шаҳар марказий касалхонасида врач-интерна вазифасидан бошлади, сўнг туман марказий касалхонаси туғриқхона мажмуида болалар невропатологи, кейинчалик Шўрчи тумани марказий касалхонаси шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг врач-педиатри лавозимида ишлади. Сурхондарё вилояти шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Термиз филиалида врач-педиатр лавозимларида фаолият юритган. 2005 йилдан бери Термиз тумани "Дўстлик" қишлоқ врачлик пункти мудираси вазифасида ишлаб келмоқда.

З.Ядгарова биринчи тоифали педиатр, иш жараёнида ўз касбининг билимдони, беморларга нисбатан хушмуомалалиги билан ажралиб туради. Соғликни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга интилади. З.Ядгарова ўзи раҳбарлик қилаётган "Дўстлик" қишлоқ врачлик пунктини энг намунали қишлоқ врачлик пунктига айлантириб, 2009 йилда ўтказилган "Энг намунали" қишлоқ врачлик пункти танловида Сурхондарё вилоятида биринчи ўринни, республика босқичида юқори ўринни эгаллаб, Соғликни сақлаш вазирлигининг 1-даражали дипломига сазовор бўлди.

Зебинисо Эсановна бугунги кунда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг фаоли сифатида партиянинг жамиятда тутган ўрнини тўлақонли ҳис этган ҳолда ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Зебинисо Эсановна Ядгарова 70-Термиз сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ижро интизоми



**Юсуфжан Тагаевич Утаганов**

Касбга садоқат, меҳр-муҳаббат кишини улуғ ниятлар сари етаклайди. Эзгу орзуларга эса элнинг меҳр-муҳаббатини қозониш, унинг назарига тушиб эришилади. Буларнинг бари астойдил меҳнат орқали қўлга киритилади.

Юсуфжан Тагаевич Утаганов 1963 йилда Сирдарё вилояти Сирдарё туманида туғилган. 1990-1995 йилларда Тошкент Давлат аграр университетининг зоомуҳандислик факультетини тамомлаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Ю.Утаганов дастлабки меҳнат фаолиятини 1986 йилда Сирдарё вилояти Гулистон туман деҳқончилик саноати уюшмасида етакчи мутахассис сифатида бошлаган.

1990-1992 йилларда Гулистон туман Ижроия қўмитасида ташкилий бўлим йўриқчиси вазифасида фаолият олиб борган. 1992-1993 йилларда Гулистон туман ҳокимлиги ташкилий бўлим йўриқчиси, 1993-1996 йилларда туман "Агрохизмат" уюшмасида бош зоотехник, раис ўринбосари лавозимларида ишлаган.

1996 йилдан 1999 йилгача Гулистон туман ҳокимлиги қишлоқ хўжалик бўлими бош мутахассиси, туман ҳокимлиги умумий бўлим мудири лавозимларида фаолият кўрсатган.

1999-2001 йилларда Гулистон туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида раис ўринбосари, 2001 йилдан 2006 йилгача Агросаноат мажмуи ходимлари Гулистон туман кенгаши раиси сифатида фаолият юритган.

Ю.Утаганов 2006 йилдан ҳозирги кунга қадар Сирдарё вилоят Агросаноат мажмуа ходимлари касаба уюшмаси раиси лавозимида ишлаб келмоқда. Мажмуа ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш, қилган меҳнатларини доимий рағбатлантириш орқали мунсиб баҳолаш ва қўллаб-қувватлаш, соҳани янада такомиллаштириш каби бир қатор ишларнинг фаол ижрочиси, жонкуяр раҳбари ҳисобланади.

У ўз устида қунт билан ишлаши, тиришқоқлиги ва талабчанлиги туфайли вилоят қишлоқ хўжалиги ходимлари ўртасида катта ҳурмат ва обрў-эътибор қозониб келмоқда.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Юсуфжан Тагаевич Утаганов 67-Оқолтин сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Халқ билан ҳамнафас



**Дилфуза Джангировна Джўраева**

Ўз меҳнат фаолияти давомида энг долзарб мавзуларни қаламга олиб келаётган Дилфуза Джўраева 1971 йилда Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида туғилган. 1996 йилда Тошкент Давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – журналист. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Д.Джўраева меҳнат фаолиятини 1987 йилда Жарқўрғон туманидаги А.Навоий номли жамоа хўжалигида ишлашдан бошлаган. Сўнг "Жарқўрғон ҳақиқати" газетаси ходими, "Тошкент текстил" фабрикаси оператори, Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири, бош муҳаррири, "Ахборот" бўлими бошлиғи лавозимларида фаолият юритди. 2008 йилдан бшлаб Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси "Иқтисодиёт кўрсатуви" бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда.

Д.Джўраева билимли, меҳнаткаш ва камтарин инсон. У одамлар муаммоларига бефарқ қарамайди, ўз малакаси ва билимини ошириш борасида қатъият ва сабр-тоқат билан ишлайди.

Дилфуза Джўраева Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг вилоят кенгаши фаолларидан ҳисобланади, партиянинг мақсад ва вазифаларини чуқур англайди ва уларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Дилфуза Джангировна Джўраева 71-Жарқўрғон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Меҳнатсевар инсон



**Байназар Мирзаевич Эламанов**

Ҳар ким эл-юрт ободончилигига ўз ҳиссасини қўшиши керак, деб билади Байназар Мирзаевич Эламанов. У 1965 йилда Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида туғилган. 1989 йил Тошкент Политехника институтини тамомлаган. Ихтисоси — қурувчи-муҳандис. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Б.Эламанов меҳнат фаолиятини 1989 йили "Ўзсантехгазмонтаж" механизациялашган кўчма колоннада слесар-сантехник вазифасидан бошлади, сўнг иш юритувчи, трест участка бошлиғи, 1991-1996 йилларда 2-Ўзбекгаз қурилиш трестининг 5-механизациялашган кўчма колоннасида уста, иш юритувчи ва бош муҳандис ва 1999-2001 йилларда Денов шаҳридаги 7-механизациялашган кўчма колонна раҳбари лавозимларида ишлади. 2001-2002 йилларда Термиз шаҳридаги "Термизсантехгазсувқурилиш" масъулияти чекланган жамиятида бошқарув раиси сифатида фаолият юритган. 2004 йилдан ҳозиргача "Термизсантехмонтаж" хусусий корхонаси раҳбари лавозимида ишлаб келмоқда.

Байназар Эламанов иш фаолияти давомида ўзини билимли, меҳнатсевар ва камтарин инсон сифатида намоён этиб, доимий равишда малакаси ва билимини ошириб, соҳасидаги янгиликларни амалда қўллаб келмоқда.

Б.Эламанов халқ депутатлари Термиз шаҳар кенгаши депутати сифатида шаҳар ободончилигига ҳамда шаҳарда яшаб келаётган кам таъминланган оилаларга ўзининг беғараз ёрдамини аямай келаётган инсондир.

Байназар Мирзаевич Эламанов бугунги кунда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг фаоли аъзоси сифатида ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Байназар Мирзаевич Эламанов 68-Шеробод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ёш иқтисодчи



**Алишер Туробович Джумаев**

Эл-юрт фарвонлигида иқтисодиётнинг ўрнини биринчи ўринда деб ҳисоблайдиган Алишер Туробович Джумаев 1976 йилда Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида туғилган. 1999 йили Тошкент Давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги—иқтисодчи-ҳисобчи. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

А.Джумаев меҳнат фаолиятини 1999 йили Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани Давлат солиқ инспекцияси катта инспектори вазифасидан бошлаган.

У 2000-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги молия-иқтисод бўлими ҳисоб-китоб гуруҳининг бош мутахассиси, 2002-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги молия-иқтисод бошқармасининг бош мутахассиси, 2004-2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги минтақаларни жойлаштириш ва комплекс ривожлантириш бўлими 1-тоифали мутахассиси, етакчи мутахассиси, бош мутахассиси лавозимларида фаолият юритган. 2008 йилдан Сурхондарё вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда.

А.Джумаев жамоасидаги ходимлар муаммоларига бефарқ қарамайди. Ишдаги самарадорликни жамоасидаги муҳит соғлом бўлишида деб билади.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Алишер Туробович Джумаев 72-Қумқўрғон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Тадбиркор – элга мададкор



**Ахмат Нажмиддинович Мажидов**

Бахт калитини меҳнатда эканлигини чуқур англаган Ахмат Нажмиддинович Мажидов 1962 йилда Сурхондарё вилоятининг Денов туманида туғилган. 1982 йилда Хазарбоғ қишлоқ хўжалиги техникумини, 1993 йилда Тошкент Давлат аграр университетини тамомлаган. Ихтисослиги — агроном. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

А.Мажидов меҳнат фаолиятини 1984 йилда Олтинсой тумани Денов давлат тармоқ агрономи вазифасидан бошлаган. 1987-1995 йилларда Олтинсой тумани Хайрандара ширкат хўжалиги бригада бошлиғи лавозимида ишлаган. 1995 йилдан "Янги турмуш" фермер хўжалигига раҳбарлик қилмоқда.

А.Мажидов меҳнат фаолияти давомида қаерда ва қандай лавозимда ишламасин ўз ишига сидқидилдан ёндашган, масъулият ва фаол фуқаролик позициясини доимо биринчи ўринга қўйиб келган. Ўзига юклатилган топшириқларни ҳар доим тўлақонли ва вақтида бажарилишига эришган. У бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш борасида тараққий этган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаш лозим, деб ҳисоблайди.

А.Мажидов дунёқараши кенг, таҳлил ва тадқиқ этиш қобилиятига эгалиги, оққўнгил, меҳнатсеварлиги ва ишга нисбатан масъулиятлилиги туфайли ҳамкасблари орасида катта ҳурматга эга. Ўзига нисбатан талабчан бўлиб, тинмай изланади.

Оилали. Беш нафар фарзанди бор.

**Ахмат Нажмиддинович Мажидов 73-Шўрчи сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ташаббускор инсон



**Акрам Гаффарович Жумаев**

Ўз соҳасидан ташқари атроф-муҳит, хусусан Сурхондарё вилояти экологиясини яқиндан ўрганиб матбуотда қатор мақолалар эълон қилиб келаётган Акрам Гаффарович Жумаев 1962 йилда Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида таваллуд топган. 1987 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Ихтисоси — педагог. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

1981-1983 йилларда Афғонистон Республикасида ҳарбий хизматни ўтаган.

1987 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Александр Сергеевич Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтига илмий тадқиқотчи вазифасига ишга қабул қилинган. Институтнинг кундузги аспирантурасида ўқиш билан биргаликда илмий ходим, катта илмий ходим вазифаларида ишлаган. Шу билан биргаликда Тошкент Давлат юридик институтининг суд-прокуратура факультетини сиртдан тамомлаган. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг консультанти, Ахборотнома бўлими бошлиғининг ўринбосари, Котибият бўлими консультанти вазифаларида ишлаган. Олий суд раҳбарияти томонидан бир неча бор фахрий ёрлиқ билан тақдирланган ва "1-даражали юрист" мансаб даражасини олишга муяссар бўлган.

2004 йилдан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги юридик бошқармаси етакчи мутахассиси, Оммавий ахборот воситалари мониторинги бўлими бошлиғи, Оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатган.

2005 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

Бир қатор депутатлар билан биргаликда А.Жумаев "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодексига ўзгартиш киритиш тўғрисида" ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳалари бўйича қонунчилик ташаббусини кўрсатган.

А.Жумаев Олий Мажлис Қонунчилик палатасида доимий фаолият олиб бораётган "Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси"нинг аъзоси. Комиссия ишида, яъни қонун лойиҳаларини палата ялпи мажлисига тайёрлаш жараёнларида фаол иштирок этиб келмоқда. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Сурхондарё вилояти шимолий туманларининг экологик вазиятига Тожикистон алюмин заводининг салбий таъсирини ўрганиш бўйича" тузилган комиссия аъзоси сифатида А.Жумаев бир неча бор Сурхондарё вилоятига бориб аҳволни ўрганишда қатнашган, бу борада матбуотда қатор мақолалар эълон қилган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Акрам Гаффарович Жумаев 75-Сариосиё сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Инновацион лойиҳалар муаллифи



**Ботиржон Абдушукирович Сулаймонов**

Ботиржон Абдушукирович Сулаймонов 1974 йилда Тошкент вилояти Зангиота туманида туғилган. 1996 йилда Токент Давлат аграр университетининг ўсимликларни ҳимоя қилиш факультетини тамомлаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1996 йилдан Тошкенг Давлат аграр университетида энтомология ва ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш кафедрасида ассистент сифатида бошлаган.

1998-2001 йилларда Республика ўқув-ишлаб чиқариш биолабораториясига директорлик қилган. 1999 йилда «Итузумлар оиласига мансуб экинларда занг санаси ва унга қарши кураш чораларини такомиллаштириш» мавзусида диссертация ёқлаб, биология фанлари номзоди илмий даражасини олган.

2001-2004 йилларда Ўсимликлар зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларни ташхис қилиш, башорат ва биоусул республика лабораторияси директори лавозимида ишлаган. У айни пайтда Тошкент Давлат аграр университетида ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедраси мудири ҳамда Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот маркази раҳбари лавозимида фаолият юритмоқда.

Кейинги беш йил давомида унинг муаллифлигида 3 та ўқув қўлланма, 10 та маъруза, 3 та услубий қўлланма, 12 та кўргазмали қўлланма, 10 та илмий мақола (шундан иккитаси чет элда) чоп этилган. Ушбу адабиётлар аграр соҳасидаги ўқув юртларда кенг фойдаланилади. Б.Сулаймоновнинг таклифи ва бошчилигида «Сўрувчи зараркунандаларга қарши курашда экологик тоза биологик усулларни ишлаб чиқиш» ҳамда «Кемирувчи зараркунандаларга қарши экологик тоза биологик усулларни киритиш ҳамда ишлаб чиқиш» бўйича 30 миллион сўмлик инновацион лойиҳа киритилган.

2008 йилда қишлоқ хўжалигидаги зараркунандаларга қарши курашда республиканинг 5 та вилоятида янги биолаборатория ташкил этилишига эришган. У бошқарган Ўсимликларни биологик ҳимоялаш илмий-тадқиқот маркази 2008 йилнинг 30 апрелида Тошкент шаҳрида ўтказилган «Инновацион ғоя ва лойиҳалар» номли 1-ярмаркада фаол қатнашиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан катта қийматдаги шартнома тузишга муваффақ бўлган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Ботиржон Абдушукирович Сулаймонов 81-Зангиота округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Давр билан ҳамнафас



**Фахриддин Юлдашевич Умирбаев**

Фахриддин Юлдашевич Умирбаев 1972 йилда Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида туғилган. 1995 йилда Тошкент Давлат техника университетини тугатган. Ихтисоси—муҳандис, механик. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Ф.Умирбаев меҳнат фаолиятини 1992 йил Бўстонлиқ туманидаги Ғазалкент консерва заводи омборхона мудири ёрдамчиси вазифасидан бошлаган. 1999-2001 йилларда Бўстонлиқ туманидаги "Ғазалкент" очиқ акциядорлик жамияти мудири, маркетинг бўлими бошлиғи, 2003 йилда «Ғазалкент» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, 2008 йилда Бўстонлиқ туман ҳокимлигининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимларида фаолият олиб борган.

2008 йилдан «Ғазалкент» очиқ акциядорлик жамияти Бош директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Ф.Умирбаев ташкилотчилиги туфайли қисқа муддат ичида «Ғазалкент» акциядорлик жамияти фаолиятини юқори даражага кўтарди. Ф.Умирбаев қаерда ишламасин, ўша жой ва соҳани ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

У давр билан ҳамнафас, билим доираси кенг, мустақил фикр юритувчи, қўл остидаги ишчи-ходимларга талабчан ва ғамхўр, тўғри сўз ва камтарин раҳбар.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Фахриддин Юлдашевич Умирбаев 78-Бекобод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Олий тоифали шифокор



**Ҳикматилла Абдуллаевич Ваҳобов**

Ҳикматилла Абдуллаевич Ваҳобов 1964 йилда Тошкент вилояти Бўка туманида туғилган. 1988 йилда Тошкент Медицина институтининг даволаш факультетини тугатган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

— Шифокорлик энг масъулиятли касб, - дейди у. — Айниқса беморларнинг сенга умид кўзи билан тикилиб турганини кўрсанг, одамлар учун нақадар кераклигингни ҳис қиласан.

Ҳ.Ваҳобов меҳнат фаолиятини Бўка тумани марказий поликлиникасида невропатолог-шифокори вазифасидан бошлаган. 1989 йилда Бўка тумани марказий шифохонаси асаб касалликлари бўлими врач-невропатологи, 1991 йилда мазкур бўлим мудири, 1996-2007 йилларда марказий шифохонада даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари лавозимида ишлаган. 2007 йилдан Бўка тиббиёт бирлашмаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Ҳ.Ваҳобов тумандаги даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт соҳасидаги мутахассисларнинг билим савиясини оширишга катта эътибор қаратиб келмоқда. Интизомлилиги ва ҳақиқатгўйилиги, ўз хизмат вазифасига масъулият билан ёндашиши туфайли туман ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлди.

У, шунингдек, ташкилотчилик қобилияти, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини идора қила билиши, вазиятни объектив ва тўғри баҳолай олиши билан бошқалардан ажралиб туради. Атрофидагиларга нисбатан ғамхўр ва хушмуомалали.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Ҳикматилла Абдуллаевич Ваҳобов 79-Бўка округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Янги педагогик технологиялар тарғиботчиси



**Дилфуза Тилабоевна Умирзақова**

Дилфуза Тилабаевна Умирзақова 1967 йилда Бўстонлиқ туманида туғилган. 1990 йилда Тошкент Давлат чет тиллар институтининг француз тили факультетини тамомлаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Д.Умирзақова Бўстонлиқ туманидаги Чумбойлиқ қишлоғидаги 13-ўрта умутаълим мактабида чет тиллар ўқитувчиси, илмий мудир, мактаб директори лавозимларида ишлаган.

2003 йилда Ғазалкент шаҳридаги академик лицей директори, 2004 йилда Бўстонлиқ тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин - қизлар қўмитаси раиси лавозимида фаолият юритган.

2007 йилдан буён Бўстонлиқ тумани Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори вазифасида ишлайди.

Д.Умирзақова раҳбарлик қилаётган коллежда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига асосан янги педагогик технологиялар кенг татбиқ этилмоқда. Инновацион технологиялар ва янги ахборот воситаларидан фойдаланиб дарс ўтиш, унинг самарадорлигини кучайтириш орқали ўқувчиларнинг билим даражасини ошириш устида илмий-услубий фаолият олиб борилмоқда.

Д.Умирзақова Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясининг магистранти. У ўз билими, тажриба ва малакасини ўқув муассасасида таълим - тарбия самарадорлигини оширишга қаратмоқда. Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғурурни шакллантириш борасида тинимсиз изланиб келмоқда.

- Давр шитоб билан ўзгармоқда. Ахброт асрида яшаяпмиз. Бугунги янгилик зум ўтмай ўз ўрнини бошқасига – янада мукаммалроғига бўшатиб бермоқда. Шундай экан биз ёш авлодни ҳар жиҳатдан ана шундай жараёнларга тайёрлашимиз, билим ва кўникмалар беришимиз лозим, - дейди у.

Д.Умирзақова ишдаги ютуқлари ва жамоат ишидаги фаоллиги туфайли «Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги» нишони, вилоят ва туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Дилфуза Тилабоевна Умирзақова 80-Бўстонлиқ округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Фермер аёл



**Малика Саидаҳмедовна Яхияева**

Малика Саидаҳмедовна Яхияева 1962 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1990 йил Тошкент Давлат халқ хўжалиги институтининг иқтисод факультетини тамомлаган. Мутахассислиги-иқтисодчи. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

М.Яхияева меҳнат фаолиятини 1980 йил спорт маҳсулотлари фабрикасида ишчи вазифасидан бошлаган. 1981-1985 йилларда Тошкент вилоятидаги «Гўзал» тўқувчилик фабрикасида ишчи, 1985-1987 йилларда Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани алоқа бўлимида ҳисобчи, 1987-1988 йилларда Тошкент вилояти, Тошкент тумани тайёрлов идорасида ҳисобчи, 1988-1993 йилларда Тошкент шаҳар Сергели тумани "Турар-жойларни таъмирлаш бирлашмасида" ҳисобчи вазифаларида ишлаган. 1993-2004 йилларда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланган.

2004 йилдан буён Юқори Чирчиқ туманидаги «Муҳаббат малика» фермер хўжалигига раҳбарлик қилмоқда.

М.Яхияева ўзи раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги олдига қўйилган вазифаларни ортиғи билан бажариб келмоқда. У меҳнат жамоаси орасида ўз билими, иш тажрибаси, тиришқоқлиги, хулқи ва атрофдагиларга бўлган муомаласи билан обрў-эътибор қозонган. Қишлоқ хўжалигидаги агротехника ишларини аниқ ва пухта бажаради. Жамоат ишлари, ҳашарларда фаол иштирок этади. М.Яхияева иш фаолияти давомида ташкилот ходимлари ва мутахассислари билан яхши муносабатларни йўлга қўйган.

– Айни пайтда мамлакатимизда барча соҳалар, айниқса, фемерлик учун барча шароитлар яратилган. Фақат чидам, сабот ва фидокорлик билан ишлаш талаб этилади,-дейди у.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Малика Саидаҳмедовна Яхияева 83-Паркент сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Эл ҳурматига сазовор



**Захидхон Шарабидинович Насриддинов**

Захидхон Шарабидинович Насриддинов 1973 йил Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида туғилган. 2000 йил Тошкент Давлат техника университетини иссиқлик электр станциялари мутахассислиги бўйича тамомлаган. Ихтисослиги — муҳандис-энергетик. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

У меҳнат фаолиятини 1990 йилда Ангрен шаҳар «Кончи» маданият маркази бадиий раҳбарлигидан бошлаган. 1993-1995 йилларда «Ўрта Осиё кўмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси автокорхонасида керамик маҳсулотлар тайёрлаш устаси, 1995-1997 йилларда хусусий тадбиркор, 1997-2002 йилларда «Автокўмир» очиқ акциядорлик жамиятида бўлим бошлиғи, етакчи-муҳандис, директор ўринбосари, 2002-2004 йилларда «Белазкўмир» очиқ акциядорлик жамиятида бошқарув раиси, 2004-2007 йилларда «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамиятининг директор ўринбосари, 2007-2008 йилларда «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамиятининг транспорт бошқармаси бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатган.

2008 йилдан буён Ангрен шаҳридаги «Ангрен-Ҳамкор-Авто» масъулияти чекланган жамиятига раҳбарлик қилмоқда.

З.Насриддиновнинг ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этишдаги қатъийлиги, ишчи-ходимларнинг ижтимоий муаммоларини ечишдаги фаоллиги, Ангрен шаҳри жамоатчилик ҳаётидаги фаол иштироки меҳнат жамоаси ва ҳамшаҳарлари орасида ҳурмат қозонишига сабаб бўлди. Шу боис у халқ депутатлари Ангрен шаҳар кенгашининг депутати этиб сайланди.

З.Насриддинов ўз ишига масъулият билан ёндашади. Унинг мамлакатимизда кўмир саноатининг ривожланишида алоҳида ҳиссаси бор. Шунингдек, жамиятнинг иқтисодий кўрсаткичларини ошириш, ишчи-хизматчиларни қўллаб-қувватлаш, янги техникалар сотиб олиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга оширишда оғишмай ҳаракат қилмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Захидхон Шарабидинович Насриддинов 77-Ангрен сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Сайловчилар билан ёнма-ён



**Игорь Анатольевич Коренев**

Игорь Анатольевич Коренев 1966 йил Россиянинг Хабаровск ўлкасида туғилган. 1991 йилда Тошкент Давлат университетининг тарих факультетини, 2009 йилда М.Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик бакалаврини тамомлаган. Сиёсий фанлар номзоди. Мутахассислиги-тарихчи. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

1991-1994 йилларда Тошкент шаҳридаги 171-ўрта мактаб тарих фани ўқитувчиси, Тошкент Давлат университети фалсафа ва иқтисодиёт факультетининг социология кафедраси аспиранти, 1993-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ходими, 2002-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаган.

2005 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси.

И.Коренев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фаолияти давомида учта қонун лойиҳасига масъул бўлиб, 36 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида фаол қатнашган. Қўмитанинг олтита назорат-таҳлил тадбирларида иштирок этган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қайта кўришдаги энг фаол депутатлар сирасига киради.

Қўмита тадбирларида мунтазам иштирок этган. Оммавий ахборот воситаларида кўплаб чиқишлар, илмий мақолалар эълон қилган.

И.Коренев Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг энг фаол аъзоларидан саналади. У партия сайловолди платформаси ҳамда ЎзМТДП Дастури ва Низоми муаллифларидан биридир.

Ўтган давр ичида фуқароларнинг 350 та ёзма мурожаатларини кўриб чиққан ва сайловчилар билан 120 тадан ортиқ учрашув ўтказган.

Депутат И.Коренев сайловчилар билан доим мулоқотда бўлиб, уларнинг муаммоларини ижобий ҳал этишга ҳаракат қилади ва бунга сидқидилдан ёндашади. У «ўзга муаммонинг ўзи бўлмайди» қабилида иш кўришга одатланган.

Ўзи сайланган округдаги муаммолар ечимида фаол қатнашади. Олмалиқ шаҳридаги айрим коммунал хизмат муаммоларининг ҳал этилишида унинг муносиб ҳиссаси бор. Бундан ташқари, аҳолининг нафақахўр, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган қатламига ёрдам кўрсатиш, иш билан таъминлаш ҳамда йўл сифати муаммоларини, шунингдек, Пскент тумани сайловчиларига фермер хўжалиги билан боғлиқ айрим камчиликлар, йўловчиларни транспорт билан таъминлаш, уй-жой қурилишига ер ажратиш, электр-энергия, газ ва ичимлик суви муаммоларини ҳал этишда ёрдам берган. Энг сўнгги муваффақияти-аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 12 та қудуқ қурилишига эришганидир.

И.Коренев таниқли ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос, фан номзоди сифатида ўнга яқин қўлланмаларнинг ҳамда бир қанча илмий-таҳлилий мақолаларнинг муаллифи саналади.

Касбдошларининг эътироф этишича, И.Коренев меҳнаткаш, виждонли, дунёқараши кенг, ташкилотчилик хусусиятига эга, ҳамкасблари орасида ҳурмат-эътибор қозонган, тартиб-интизомли инсон. У қатъиятли, изланувчан ва ҳар қандай ишга масъулият билан ёндашади.

«Мустақилликнинг 15 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

**Игорь Анатольевич Коренев 82-Олмалиқ округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Аёллар ҳуқуқи тарғиботчиси



**Ҳанифа Абдусолиевна Зокирова**

Ҳанифа Абдусолиевна Зокирова 1958 йилда Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманининг "Юлдуз" қишлоғида туғилган. 1981 йилда Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Ихтисоси - журналист. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Ҳ.Зокирова меҳнат фаолиятини 1976 йилда Қуйи Чирчиқ туманидаги "Эркин сўз" газетасида оддий мухбирликдан бошлади, кейинчалик бош муҳаррир ўринбосари, 1997-2005 йилларда Қуйи Чирчиқ туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, 2005-2008 йилларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси "Ахборот-матбуот маркази" директори, 2008 йил сентябрь ойидан буён Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими бош мутахассиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу билан бирга жамоатчилик асосида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича ўринбосари вазифасида фаолият юритмоқда.

Ҳ.Зокирова Республикада ва вилоятда партия сафларига хотин-қизларни жалб қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий билимларини юксалтириш борасида самарали ишларни амалга оширмоқда. У, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва бошқа бир қатор ташкилотлар томонидан ташкил этилган ўқув семинарларда ўқиб, малакасини ошириб, сертификатлар олди.

Ҳ.Зокирова 1999 йилда халқ депутатлари Қуйи Чирчиқ туман кенгаши депутати, 2004 йилда халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши ва халқ депутатлари Қуйи Чирчиқ тумани кенгаши депутати этиб сайланган.

Ҳ.Зокирова фидокорона меҳнатлари учун Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан 2001 йил "Мустақилликнинг 10 йиллиги" кўкрак нишони, 2002 йилда "Шуҳрат" медали, 2006 йилда "Мустақилликнинг 15 йиллиги" кўкрак нишони ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Ҳанифа Абдусолиевна Зокирова 89-Дўстобод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ҳалол ва камтарин инсон



**Мархабо Исмоиловна Султонова**

Мархабо Исмоиловна Султонова 1961 йилда Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида туғилган. 1984 йил Тошкент Давлат университетининг математика факультетини тамомлаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

М.Султонова меҳнат фаолиятини 1979 йил Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли Ўзбекистон халқлари тарихи музейи котибаси вазифасидан бошлаган. 1984-2004 йилларда Ўрта Чирчиқ туманидаги 13-умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлади. 2005 йилдан буён мазкур мактаб директори лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

М.Султонова, айниқса, ёш мутахассисларни етук педагог сифатида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратади. У ўзининг қатъиятлилиги, талабчанлиги, янгиликка интилувчанлиги, ташаббускорлиги ва ҳалол меҳнати билан жамоатчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган.

У Ўзбекистон «Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси сифатида партия ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. М.Султонова дунёқараши кенг, таҳлил ва тадқиқ этиш қобилиятига эгалиги, оқ кўнгил, меҳнатсеварлиги ва ишга нисбатан масъулиятлилиги туфайли ҳамкасблари орасида катта ҳурматга эга. Ўзига нисбатан талабчан бўлиб, ўз устида тинмай изланади.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Мархабо Исмоиловна Султонова 85-Чиноз сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Интилганга толеъ ёр



**Қарши Холходжаевич Абдурахмонов**

Қарши Холходжаевич Абдурахмонов 1961 йил Жиззах вилоятининг Фориш туманида туғилган. 1989 йил Ўрта Осиё Тиббиёт институти педиатрия факультетини тамомлаган. Ихтисоси — педиатор-шифокор. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

1989 йил Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида ассистент, доцент, маънавият ва маърифат ишлари бўйича декан вазифаларида хизмат қилган. 2004-2005 йилларда Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар марказий шифохонасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича бош шифокор ўринбосари лавозимида ишлаган.

2005 йилдан буён Чирчиқ шаҳар тиббий бирлашмаси маркази ташкилий услубий бўлим мудири лавозимида ишлаб келмоқда. У 1999 йилда «Аллергология ва иммунология» соҳасида номзодлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Қ.Абдурахмонов хизмат вазифасига доимо сидқидилдан ёндашади, табиатан вазмин, сермулоҳаза, камтар ва талабчан. Меҳнатсеварлиги ва хушмуомалалиги туфайли тиббиётчилар жамоаси ўртасида обрў - эътибор қозонган. Ҳаётдаги шиори «Камтарга камол, интилганга толеъ ёр».

Қ.Абдурахмоновнинг Чирчиқ шаҳри аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида олиб бораётган фаолияти диққатга сазовордир. Оммавий тадбирлар ва жамоат ишларида фаол иштирок этади.

У шунингдек, амалий ва илмий фаолиятини уйғун тарзда олиб боради. Айни пайтда «Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришнинг ижтимоий-педагогик омиллари» мавзусида докторлик диссертацияси устида изланиш олиб бормоқда. Қ.Абдурахмоновнинг «Соғлом турмуш тарзи», «Ичкиликбозлик ва саломатлик», «Ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг амалий жиҳатлари», «Соғлом турмуш тарзи ва маънавий баркамоллик», «Ёшларда экологик маданиятни шакллантириш» мавзуларидаги рисолалари нашр этилган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Қарши Холходжаевич Абдурахмонов 86-Чирчиқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## ТВда ўттиз олти йил



**Асрор Ахмедович Аброрхўжаев**

Асрор Ахмедович Аброрхўжаев 1951 Тошкент шаҳрида туғилган. 1977 йил Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини, 1985 йил Тошкент Давлат Маданият институтини тамомлаган. Ихтисослиги — педагог. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

А.Аброрхўжаев 1973 йилдан ҳозирга вақтга қадар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида ишлаб келади. У ана шу муддат давомида халқаро кўрсатувлар студиясида таржимон, бош муҳаррир ўринбосари, директор ўринбосари, маърифат-ахборот дирекцияси «Шарқ» муҳарририяти бош муҳаррир ўринбосари, «Ёшлар» телеканалида катта муҳаррир, бўлим бошлиғи лавозимида фаолият олиб борган. У айни пайтда «Ўзбекистон» телерадиоканалининг Истиқболли лойиҳалар студиясида бўлим бошлиғи вазифасини бажармоқда.

«Ўзбекистон» Миллий телерадиокомпанияси томонидан намойиш этилаётган ва бугунги кунда кўплаб мухлисларига эга бўлган «Азизим», «Бегойим», «Саломат бўлинг», «Ҳуқуқ ва бурч», «Жар ёқасида», «Шаҳрим-фахрим», «Фарзандим-жигарбандим», «Шеърий мактублар», "Меҳр кўзда" каби ўндан зиёд туркум кўрсатувлар Асрор Аброрхўжаев лойиҳаси асосида ташкил этилган.

У муаллифлик ва бошловчилик қилган телекўрсатувлар кириб бормаган ўзбек хонадонини топиш қийин.

А.Аброрхўжаевнинг Ўзбекистон телерадио санъатининг ривожида муносиб ўрни бор.

Журналистика соҳасидаги узоқ йиллик фаол меҳнати учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвони билан тақдирланган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Асрор Ахмедович Аброрхўжаев 87-Қибрай округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Халқ таълими аълочиси



**Миразиз Мирағзамович Юнусов**

Миразиз Мирағзамович Юнусов 1962 йил Ўрта Чирчиқ тумани Тўйтепа шаҳрида туғилган. 1984 йил Тошкент вилояти Давлат педагогика институтининг умумтехника фанлари факультетини тамомлаган. Ихтисоси — педагог. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

М.Юнусов 1984 йилдан буён Ўрта Чирчиқ туманидаги 25-умумтаълим мактабида ишлаб келмоқда. 1997 йилдан буён мазкур мактабда директор сифатида фаолият кўрсатмоқда.

М.Юнусов раҳбарлик қилаётган мактабда ўқув-тарбия ишлари давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ йўлга қўйилган. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалдаги босқичлари муваффақиятли ижро этилмоқда. Мактаб давлат таълим стандартлари бўйича мониторинг натижаларига кўра туманда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

У, айниқса, ёш мутахассисларни етук педагог сифатида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратади. Мактабда таълим-тарбия ишлари самарадорлигини ошириш тўғри йўлга қўйилган. Натижада мактабнинг 95 фоиздан ортиқ педагог-ходимлари янги педагогик технологиялар асосида иш олиб бормоқдалар.

У ўзининг қатъиятлилиги, талабчанлиги, янгиликка интилувчанлиги, ташаббускорлиги ва ҳалол меҳнати билан жамоатчилик ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган.

М.Юнусов 2008 йилда «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Миразиз Мирағзамович Юнусов 84-Тўйтепа округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

# ЎзМТДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

## Китоб – нондек азиз



**Шоирахон Тўхтабоевна Насриддинова**

Шоирахон Тўхтабоевна Насриддинова 1967 йилда Фарғона вилояти Бешариқ туманида туғилган. 1987 йил Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

У 1989-1991 йилларда Бешариқ тумани халқ таълими бўлимига қарашли 7-умумтаълим мактаби кутубхоначиси, 1991-2007 йилларда Бешариқ халқ таълими бўлимининг марказий кутубхонаси мудири, 2007 йилдан туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги Ахборот-ресурс маркази раҳбари вазифасини бажариб келмоқда. Шоирахон Насриддинова ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда китобнинг роли беқиёс деб ҳисоблайди. Шу боис ҳам иш фаолияти давомида ҳар бир ўқувчига янги-янги адабиётларни тавсия этишдан чарчамайди. Мумтоз ва замонавий бадиий асарларни мутолаа қилиш унинг энг севимли машғулотидир.

2009 йилда ўтказилган «Жаҳон халқлари оғзаки ижоди билағонлари» кўрик-танловида вилоят ҳамда республика миқёсида фахрли 1-ўринни эгаллаб, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлангани ҳам бунга яққол далил бўла олади.

Ҳалол меҳнати, бошқаларга нисбатан муомала маданияти юксаклиги, энг муҳими изланувчанлиги билан ўз жамоасида алоҳида ҳурматга эга бу аёл бугунги глобаллашув жараёнида аҳолига ахборотларнинг вақтида етиб боришида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Шоирахон Тўхтабоевна Насриддинова 90-Бешариқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Шарафли касб соҳибаси



**Муқаддам Махмудовна Рахмонова**

Рахмонова Муқаддам Махмудовна 1962 йил Фарғона вилояти Данғара туманида туғилган. 1983 йил Қўқон Давлат педагогика институтини тамомлаган. Ихтисослиги — педагог. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

1983 йилдан Қўқон шаҳридаги 18-мактаб ўқувчиларига бор билим ва малакасини ўргата бошлаган. 1997 йилдан Данғара туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси, илмий бўлим мудири лавозимларида ишлаб, 2002-2009 йилларда Данғара туман маънавият тарғибот маркази раиси, жамоатчилик асосида ЎзМТДПнинг Данғара туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси лавозимида фаолият юритган. Партия мақсад ва вазифаларининг тарғиботи бўйича бир қатор ишларни амалга оширган. Ҳозир Данғара тумани қишлоқ хўжалиги коллежи ўқитувчиси.

Муқаддам Махмудовна Рахмонова Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатнинг моҳиятини теран англаган ҳолда, эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш, ёшларга таълим-тарбия беришдек масъулиятли шунинг баробарида шарафли вазифани ўз зиммасига олган.

Муқаддам Махмудовна Рахмонова ўзига талабчан мутахассис сифатида мингдан ортиқ шогирдларига таълим-тарбия бериб, уларнинг маънавиятини, билим савиясини оширишда ижобий натижаларга эришмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Муқаддам Махмудовна Рахмонова 91-Данғара сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Спорт – соғлик гарови



**Собирходжа Султонходжаевич Саидходжаев**

Собирходжа Султонходжаевич Саидходжаев 1965 йил Қўқон шаҳрида туғилган. 1988 йилда Қўқон Давлат педагогика институти жисмоний тарбия факультетини тамомлаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

У меҳнат фаолиятини 1988 йилда Қўқон шаҳридаги 19-сонли ўрта мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси сифатида бошлаган.

1990-1994 йилларда Қўқон Давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия кафедрасида ўқитувчи, 1994-2006 йилларда талабалар касаба уюшмаси қўмитаси раиси, сўнгра таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси ўринбосари, ҳозирги кунда ушбу кенгаш раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Собирходжа Саидходжаев таълим соҳасининг қайси лавозимида ишламасин, ўзининг тиришқоқлиги ҳамда ташкилотчилиги билан ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда. Унинг оилавий спорт соҳасида эришган ютуқлари Республика оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб келинмоқда. Фарзандлари спортнинг теннис тури бўйича вилоят, Республика ва халқаро турнирларда қатнашиб, юқори натижаларга эришиб келмоқда.

У ўз фаолияти давомида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ҳамда касаба уюшма фаоллари таълимига алоҳида эътибор беради.

Собирходжа Саидходжаев бошчилигида вилоят кенгаши тасарруфидаги шаҳар, туман касаба уюшмаси кенгашлари раислари, вакиллари ва олий ўқув юртлари қўмита раислари иштирокида ҳар йили «Бозор иқтисодиёти даврида касаба уюшмасининг роли» мавзусида интерфаол усулда семинар-тренинглар ўтказиб келинади. Вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида туман, шаҳар халқ таълими бўлими мудирлари ва касаба уюшмаси раислари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби асосида ўқувлар, шунингдек бошланғич ташкилотларга ёрдам бериш мақсадида бир нечта тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиққан.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Собирходжа Султонходжаевич Саидходжаев 93-Қўқон сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Ўз соҳасининг билимдони



**Одилжон Назирович Холбеков**

Одилжон Назирович Холбеков 1972 йил Фарғона вилояти Бувайда туманида туғилган. 1995 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети халқаро иқтисодий муносабатлар мутахассислиги бўйича таҳсил олган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

У меҳнат фаолиятини 1995 йилдан бошлаб, Бувайда тумани ихтисослаштирилган акционерлик тижорат «Пахтабанк»и ҳисобчиси, 2-тоифали мутахассис, кредит ва режалаштириш бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаган. 1998-2000 йилларда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Бувайда филиали мижозлар бўлими бошлиғи, 2000-2003 йилларда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Бувайда филиали бошқарувчиси ўринбосари, 2003-2005 йилларда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Қўқон филиали бошқарувчиси ўринбосари, 2005-2007 йилларда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Бувайда филиали бошқарувчиси, 2007-2008 йилларда Бувайда туман ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи, 2008-2009 йилларда туман ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари сифатида фаолият юритган. Ўз соҳасининг билимдони, изланувчан, шу билан бирга ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам фаол иштирок этишни бурчи деб билган Одилжон Холбеков айни пайтда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Бувайда филиали бошқарувчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Одилжон Назирович Холбеков 94-Бағдод сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Юксак маънавият сари йўл



**Раимжон Эгамбердиевич Мирзарахимов**

Раимжон Эгамбердиевич Мирзарахимов 1962 йилда Фарғона вилояти, Охунбобоев туманида туғилган. 1980 йилда Фарғона Давлат педагогика институти физика факультетини тамомлаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

У ўз меҳнат фаолиятини 1984 йилда Охунбобоев туманидаги 5-ўрта мактабда физика фани ўқитувчиси сифатида бошлаган. 1986 йилда ўзи таҳсил олган Охунбобоев туманидаги 1-умумтаълим мактабида ишлай бошлади. 1993 йилда мактаб директори ўринбосари, 2003 йилда ушбу мактаб илмий мудири лавозимларида ишлаган. 2004 йилдан айни дамгача мактаб директорининг 1-ўринбосари лавозимида иш юритмоқда. Фаолияти давомида мактаб ўқувчилари, устозлар, маҳалла мактаб жамоаси, ота-оналар ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлди.

Раимжон Эгамбердиевич Мирзарахимов қаерда, қандай лавозимда фаолият юритмасин, ўзининг юксак маънавияти билан ёш авлодга ўрнак бўлишга интилади.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Раимжон Эгамбердиевич Мирзарахимов 96-Олтиариқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Амалий ишлар самараси



**Абдурашид Якубович Бутаев**

Абдурашид Якубович Бутаев 1958 йилда Охунбобоев туманида туғилган. 1981 йил Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

А.Бутаев 1982-1987 йилларда Охунбобоев тумани Ёшлар ташкилотида турли вазифаларда, 1987-1994 йилларда Охунбобоев тумани касаба уюшмаси раиси, 1994-2000 йилларда тумандаги А.Отабоев номли жамоа хўжалиги бошқарув раиси, 2000-2002 йилларда туманда Х.Додиров номли бўрдоқичилик корхонаси директори ўринбосари, 2002-2003 йилларда Охунбобоев тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари, сўнгра тумандаги А.Отабоев номли ширкат хўжалиги бошқарувчиси вазифасида ишлаган.

2006 йилдан шу кунга қадар тумандаги Ёқуб ота номли фермер хўжалиги раҳбари вазифасида фаолият юритмоқда.

У мутахассис сифатида қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш, ер унумдорлиги ва унинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ижобий натижаларга эришмоқда. Бу борадаги билими ва тажрибасини айни дамда қўллаган ҳолда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритаётир.

У фақат ўз соҳаси билан чегараланиб қолмай, интилувчанлиги сабабли сиёсий ҳаётда ҳам фаол, ташкилотчи инсон эканлигини намоён қилди.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Абдурашид Якубович Бутаев 97-Охунбобоев сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Тадбиркор педагог



**Анвар Тешабаевич Норматов**

"Йигит кишига қирқ ҳунар оз", дейишлари бежиз эмас. Орамизда шундай инсонлар борки, улар нафақат ўз соҳасида, балки тадбиркорликка ҳам қўл уриб, меҳнаткашлиги туфайли муваффақиятга эришади. Ана шундай юртдошларимиздан бири Анвар Тешабаевич Норматов 1960 йил Фарғона шаҳрида туғилган. 1981 йил Фарғона Давлат педагогика институтини тамомлаган. Ихтисослиги — педагог. Биология фанлари номзоди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

А.Норматов ўзининг мустақил меҳнат фаолиятини олий мактаб педагоги сифатида бошлади. Қўқон ва Наманган Давлат педагогика институтида декан ва кафедра мудири лавозимларида ишлади. 1991 йилда Фарғона шаҳар «Тадбиркорликни ривожлантириш координацион Кенгаши» аъзоси сифатида тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, мавжуд муаммоларни ҳал этишда ўз ҳиссасини қўшди.

А.Норматов замонавий бизнес қонунлари, тадбиркорликнинг муаммолари ва ечимларидан хабардор инсон. У талабчан ва изланувчанлиги билан янги мақсадлар сари оғишмай ҳаракат қилади. Бунинг мисолида айтиш мумкинки 1992 йили «Беркут» кичик полиграфия корхонасида тижорат ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаши баробарида, 1993 йилнинг май ойида Германиянинг «Штейнер импорт-экспорт» фирмаси билан биргаликда полиграфия маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган «Ҳамал» Ўзбек-Германия қўшма корхонасини ташкил этди. Ушбу қўшма корхона томонидан Фарғона водийсига полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи дастгоҳлар келтирилди. Олиб келинган дастгоҳлар шу кунга қадар эл корига яраб келмоқда.

1998 йилда полиграфия маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган «Ариес Ленд» хусусий компаниясини таъсис этиб, унда директор лавозимида сидқидилдан меҳнат қилди. 2002 йилда компанияни ривожланиш режасига асосан «Ариес Рек» реклама агентлигини ташкил этди ва ташқи реклама маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ва шу кунга қадар водийда ягона бўлиб турган замонавий дастгоҳларни олиб келди.

Бир неча йиллардан бери вилоят ҳудудида барча тадбир, «Наврўз» ва «Мустақиллик» байрамларининг рассоми сифатида иштирок этиб келмоқда.

У 2004 йилда Фарғона вилоят ҳокимлиги томонидан «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси лавозимига тайинланди. Ушбу қисқа вақт давомида А.Норматовнинг ташаббуси билан Фарғона шаҳар кўчаларини замонавий дизайн асосида безаш лойиҳаси киритилди ва босқичма-босқич амалга оширилиб борилмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

**Анвар Тешабаевич Норматов 99-Фарғона сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

## Меҳнатсевар, изланувчан, ташкилотчи



**Жўрабой Назирович Тўхлиев**

Жўрабой Назирович Тўхлиев 1959 йил Олтиариқ туманида туғилган. 1981 йилда Андижон Пахтачилик институтини тамомлаган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси.

Жўрабой Тўхлиев ўз меҳнат фаолиятини 1981 йилда Олтиариқ туманида механизаторликдан бошлаб, 1995 йилга қадар шу жамоада турли раҳбарлик вазифаларида фаолият юритиб келган. 1995-1997 йилларда Олтиариқ туман ҳокими ўринбосари, 1997-2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими бўлиб ишлади. 2000-2003 йилларда Фарғона вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари лавозимида, 2004 йилда Фарғона вилояти «Давлат уруғ назорат» маркази директори, 2004-2006 йилларда Олтиариқ туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи, 2007-2008 йилларда Фарғона вилоят Дон уруғчилиги бирлашмаси раиси ўринбосари каби лавозимларида, айни дамга қадар «Чўлибобо» фермер хўжалиги раҳбари бўлиб ишлаб келмоқда.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

**Жўрабой Назирович Тўхлиев 100-Водил сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

